БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 256 (487)

25 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

КПСС XX с'езди шарафига (1-нчи бет).

Эрон Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдул Хусаин Ансорий СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга ишонч ёрлиқларини топширди (1-нчи бет).

Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш савиясини янги талаблар даражасига кўтарайлик (1-нчи бет).

«Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва 1956 йилда пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўртоқ Н. А. Муҳиддиновнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари кенгашида 1955 йил 20 декабрьда қилган доклади (2, 3 ва 4-нчи бетлар).

Эрон парламент делегацияси Москвага келди (4-нчи бет).

Ҳиндистон блан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди (4-нчи бет).

Хавфсизлик кенгашида (4-нчи бет).

Миллий конгресс парламент фракцияси доимий комитетининг ёпиқ мажлисида Неру нутқи (4-нчи бет).

КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақа

КПСС XX с'езди яқинлашиб келмоқда. Ижодкор халқимиз шонли XX с'езд шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб, зўр ижодий ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқда, ишлабчиқариш планларини бутун кўрсаткичлар бўйича ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларидан илҳомланиб, социалистик оғир индустрияни ривожлантириш учун курашаётган қаҳрамон ишчилар синфимиз, қишлоқ хўжалигимизнинг барча тормоқларини кескин равишда юксалтириш учун фидокорона меҳнат қилаётган колхозчи деҳқонларимиз ва барча совет халқи с'ездолди вахтасида туриб, партия ва ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган коммунизм қурилишининг улуғ ва шарафли вазифаларини муваффақият блан ҳал этмоқда.

Коммунизм совет кишилари учун қандайдир узоқ бир истиқбол бўлмай, балки шу куннинг реал ва амалий вазифасидир. Совет кишилари халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилиб эришаётган ютуқлари блан социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш учун замин вужудга келтирмоқдалар. КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақада совет кишиларининг коммунистик жамият барпо этишга бўлган буюк иродаси ўз ифодасини топгандир.

Завод ва фабрикаларда, темир йўл транспортида, колхоз, совхоз ва МТСларда партиямиз XX с'езди шарафига кучайиб кетган социалистик мусобақа ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Илғор корхоналар, колхоз ва совхозлар ишлабчиқариш планларини ошириб бажарганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар.

Саноат корхоналарининг илғорлари XX с'езд шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, олдинда бормоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг социалистик индустрияни, даставвал оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириб, юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Тошкент шаҳар саноат корхоналари ва транспорта ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг энг муҳим турларининг кўпчилиги бўйича 1955 йил учун белгиланган давлат планини муддатидан илгари — 15 декабрьдаёқ бажардилар. Шаҳар оғир саноати янада ривожланди. Машинасозлик заводларида янги ускуналар ишга туширилди. Илғор техника ва технология жорий қилинмоқда. Саноат корхоналари халқ хўжалигимизнинг энг муҳим соҳалари учун, биринчи галда пахтачилик учун янги машиналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

КПСС XX с'езди шарафига йиллик планни муддатидан илгари бажарган корхоналар орасида «Ўзбексельмаш», Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи, «Таштекстильмаш», «Под'ёмник», «Ташхлопкомаш», «Средазгидроэлектростройнинг ремонт-механика заводи, 5-нчи бошқарма гишт заводлари, Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати, «Красная заря» фабрикаси ва бошқалар бор. Тошкент саноат корхоналарининг меҳнатсевар коллективи йиллик планни муддатидан илгари бажариш блан бирга, шонли с'езд шарафига пландан ташқари юз мингларча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Шунингдек, «Чирчиксельмаш» заводи, Янгийўл тикув-пойафзал комбинати ва бошқа корхоналар ҳам йиллик планни муддатидан олдин бажариб, 1956 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Аммо шу блан бирга, саноат корхоналаримиз ишида жиддий камчиликлар бор. Йиллик планни муддатидан олдин бажарган Тошкент шаҳар саноати ва транспорти ишида ҳам катта камчиликлар мавжуддир. Ҳамма корхоналар ҳам ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни бажараётирлар деб бўлмайди, айрим корхоналарда номенклатура ва сифат кўрсаткичлари бўйича берилган топшириқлар бажарилмаётир, бир ме'ёрда ишлашга эришилмаётир, янги техника ва илғор технология ҳали ҳам суст жорий қилинмоқда, ишлабчиқариш новаторлари ва илғорларининг тажрибаси етарли даражада оммалаштирилмаётир. Вазифа — камчиликларни тезда тугатиб, ишлабчиқаришни янада ривожлантириш, саноат ишидаги барча техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашдан иборат. Шунга эришмоқ керакки, йил охирига қадар йиллик ва бешйиллик планни бажармаган битта ҳам корхона қолмасин!

Областимиз пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажариш блан партиямизнинг шонли XX с'ездига муносиб совға тайёрладилар. Илғор районлар, пахта тайёрлаш планини бажариш блан бирга, давлатга пландан ташқари қўшимча тонналаб пахта топширмоқдалар. Ўртасарой район пахтакорлари давлатга пландан ташқари 1600 тонна, Орджоникидзе район пахтакорлари 1400 тонна пахта топширидилар. Шунингдек, областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турлари: канап, жут, галла, шоли, сабзавот, картошка, узум, полиз экинлари, қоракўл, жун, хом тери ва мўйна топшириш планини ҳам ошириб бажардилар.

Яқинда бўлиб ўтган Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги камчиликларни кўрсатиб берди ва областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига катта ва шарафли вазифалар қўйди. Далада қолган пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш, шудгорлаш ишларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиб, келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан бошлаб пахта замин яратиш — пахтакорларимизнинг шарафли бурчидир. Ерни шудгорлаш, кўкламги экишга тайёрлаш учун ҳарбир қулай шароитдан фойдаланиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни тайёрлаш, коллектор ва зовурларни тозалаш, уруғликни экишга тайёрлаб қўйиш, — ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир.

Илғор агротехникани ва фан ютуқларини қишлоқ хўжалигига, айниқса пахтачиликка кенг жорий қилиш — мўл ҳосил етиштиришнинг гаровидир. Чигитни квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экиш усулини кенг жорий қилиш ҳосилни оширади, колхоз ва совхозларимизнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланишини та'минлайди, колхозчилар моддий фаровонлигини оширади. Шунинг учун ана шу прогрессив усулни кенг қўлланишга ҳозирдан пухта тайёргарлиқ кўриш керак.

Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари мамлакатимиз саноатининг энг қимматли хомаш'ёси бўлган пахтани ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпроқ етиштириш учун, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун партиямиз шонли XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар.

Партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашаётган халқимизнинг ижодий кучлари битмас-туганмасдир. Халқ ижодий кучлари, ғайрат ва ташаббуси қудратли куч бўлиб, энг мураккаб ва энг қийин ишларни ҳам ҳал этишга қодирдир. Улар ўзларининг халол меҳнатлари блан коммунизм улуғ иши учун, ўзлари учун, бахтли ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун курашаётганликларини яхши биладилар.

Меҳнаткаш халқ оммасининг партия ва ҳукуматимиз қарорларини турмушга оширишга бўлган ижодий ғайрат ва ташаббуси партиямиз XX с'езди шарафига кенг авж олиб кетган социалистик мусобақада ўз ифодасини топмоқда. Ижодкор халқимизнинг ижодий ғайрат ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уни коммунизм қурилишининг улуғ вазифаларига сафарбар этиш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Партиямиз шонли XX с'езди шарафига социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик, социалистик мусобақанинг қудратли кучини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга сафарбар этайлик!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. С. ДЗЕРЖИНСКАЯНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ С. С. Дзержинская ижтимоий-сиёсий фаолиятининг эллик йиллиги муносабати блан ва унинг революцион ҳаракатда актив қатнашганлигини тақдирлаб, ўртоқ София Сигизмундовна **Дзержинская Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил, 23 декабрь.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,03	110,28	Юқоричирчиқ	0,03	103,66
Гулистон	0,04	108,67	Пискент	—	102,61
Ховос	—	108,62	Бекобод	0,06	102,56
Орджоникидзе	—	107,82	Бўка	0,01	101,53
Октябрь	0,12	106,48	Ўртачирчиқ	—	100,55
Оҳангарон	—	106,47	Чиноз	0,02	100,40
Калинин	0,04	105,68	Верхне-волинск	—	100,39
Мирзачўл	0,03	104,66	Оққўрғон	0,05	98,69
Янгийўл	0,01	104,55	Қуйичирчиқ	0,04	93,83
Сирдар'ё	0,04	103,77	Боёвут	0,11	86,91

КПСС XX С'ЕЗДИ ШАРАФИГА

Янгийўл шаҳар саноати 1955 йил планини бажарди

Янгийўл шаҳридаги саноат корхоналарининг кўпмингли коллективи партиямиз XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта муваффақиятни қўлга киритди: 1955 йил учун белгиланган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари — 22 декабрьда бажарилди.

Шаҳар корхоналари ўртасидаги мусобақада тикув-пойафзал комбинати, пахтатозалаш заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари олдинда бормоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш мақсадида ўз зиммаларига янги, ошириллган мажбурият олдилар: йил охиригача пландан ташқари 23 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинди.

Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Тошкент электроремонт заводи электромоторлар, кучли трансформаторларни ремонт қилучи, янги стол вентиляторлари ишлаб чиқаручи йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Завод ишчилари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, бешинчи бешйиллик топшириғини муддатидан ярим йил илгари бажарган эдилар. Шу вақт ичида меҳнат унумдорлиги 45 процент ошди, маҳсулотнинг таннархи эса 5 процент камайди.

Заводнинг барча цех ва участкаларида ички имкониятлардан кенг фойдаланилаётгани туфайли 1955 йил давлат плани ҳам муддатидан 15 кун илгари бажарилди. Бу йил ўтган йилнинг шу даврига қараганда 1,5 миллион сўмлик ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди, меҳнат унуми 6,8 процент ошди. 100 минг сўмликдан ортиқ хомаш'ё материаллари тежалди.

Йиллик мажбуриятни муддатидан илгари бажарган ўртоқ Райвич бошлиқ ремонт — механика, ўртоқ Романов бошлиқ вентилятор, ўртоқ Мильлер бошлиқ асбобсозлик цехларининг ватанпарварлари маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириб, станок ва асбоб-ускуналарнинг қувватидан тўла фойдаланишга эришмоқдалар.

Ҳозир завод коллективи ички имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига йил охиригача яна 2800 вентилятор ишлаб чиқариш, 100 га яқин электр мотор ва трансформаторни ремонтдан чиқариш юзасидан олинган мажбуриятни шараф блан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Б. ИМОМОВ.

1956 йил 1 квартали ҳисобига

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент стелка-картон фабрикасининг меҳнатсевар коллективи КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, ишлабчиқаришда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Корхонада 1955 йил плани ялпи маҳсулот ишлабчиқариш бўйича 15 ноябрьдаёқ бажарилган эди. Ҳозирги кунда 1956 йилнинг биринчи квартали ҳисобига маҳсулот берилмоқда. Корхонада шу йилнинг ўзида меҳнат унумдорлиги 10 процентдан кўпроқ оширилди, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 742 минг сўмлик камайтирилди, планга қўшимча равишда 500 минг сўмдан кўпроқ жамғарма берилди.

Фабриканинг илғор коллективи қўлга киритилган ютуқлар блан кифояланиб қолмай, партия XX с'езди очилиш кунигача планга қўшимча равишда бирнеча ўн тонна картон, бирнеча юз минг пар пойафзал детальлари етказиб бериш мақсадида астойдил курашмоқда.

И. БОБОХОНОВ.

Февраль ойи ҳисобига маҳсулот

Тошкентдаги «Қизил олов» артелининг коллективи партиямизнинг XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, бешинчи бешйиллик планини муддатидан илгари бажарди ва шу кунгача пландан ташқари 1 миллион 845 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Артель ватанпарварлари йиллик планни ҳам муддатидан илгари бажариб, меҳнат унумдорлигининг 13 процент ошишига, маҳсулот таннархининг эса 4,3 процент камайишига эришдилар.

Цехлар ўртасидаги социалистик мусобақада механика цехи олдинда бориб, бирнеча ойдан бери артель правлениесининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келаётир. Артельнинг Буров, Зайцев, Сазонов, Штирлов ўртоқлар сингари илғорлари смена нормаларини 200-250 процентга етказиб бажармоқдалар.

Корхона коллективи эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида социалистик мусобақани янада кучайтириб, ҳозир 1956 йил февраль ойи ҳисобига қишлоқ хўжалиги учун турли асбоб ва детальлар ҳамда бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

О.САЙДАМИНОВ.

Эрон Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдул Хусаин Ансорий СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга ишонч ёрлиқларини топширди

23 декабрьда Кремльда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Эроннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Х. Ансорийни қабул қилди. А. Х. Ансорий ўзининг ишонч ёрлиқларини топширди.

Маслаҳатчилар А. Этесамий ва Т. Адамийат, ҳарбий атташе генерал-майор И. Валий, иккинчи секретарь А. Ахзар, учинчи секретарь А. Шарифий элчи блан бирга келдилар. Элчи К. Е. Ворошиловни улар блан таништирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш вақтида СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. С. Семенов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, СССР Олий Совети Президиуми Протокол Бошлиғи Г. И. Фомин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Бўлимининг Мудири Г. Т. Зайцев ва СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар.

К. Е. Ворошилов ва Элчи А. Х. Ансорий қисқача нутқ сўзладилар.

Элчи А. Х. Ансорий ўз нутқида ишонтириб айтдики, Эрон Ҳукумати бундан буён ҳам Эрон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга интилади. А. Х. Ансорий ана шу ниятлар энг яхши натижаларга олиб келади, деб ишонч билдирди.

Ансорий айтдики, Эрон Парламент делегациясининг Совет Иттифоқига келиши ана шу дўстликни мустаҳкамлашда «жуда мустаҳкам восита» бўлиб хизмат қилади. Бу делегация «Эрон халқининг Совет Иттифоқи халқларига нисбатан энг самимий дўстона туйғуларини ифода этади».

Ансорий бундай деди: «Совет жамоатчилиги Шоҳаншоҳ Ҳазратларининг Совет Иттифоқига келиши тўғрисидаги хабарни самимий ма'қуллаб кутиб олди. Шоҳаншоҳ Ҳазратларининг бу сафари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни ҳарқачонгидан кўра кўпроқ мустаҳкамлайди ва тинчлик ишига хизмат қилади».

Ансорий сўзининг охирида «Эрон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши муносабатлар ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантириш соҳасидаги ёқимли бурчимни бажаришда менга ёрдам кўрсатилади» деб умид билдирди ва «Совет Иттифоқи Ҳукумати ва халқига энг яхши тилакларини» изҳор қилди.

К. Е. Ворошилов ўзининг жавоб нутқида айтдики, ўзининг ижодий меҳнати блан банд бўлган Совет Иттифоқи тинчлик ва давлатлар ўртасида ҳамкорлик сиёсатини доим изчиллик блан амалга ошириб келмоқда ва бошқа давлатларнинг ана шу олижаноб ишдаги фаолиятини қўллаб-қувватламоқда. Тинчлик ва халқлар дўстлиги тарафдори бўлган барча кишиларнинг ана шу умумий ҳаракатда иштирок қилмаслиги мумкин эмас. Бунга шак-шубҳа йўқ.

К. Е. Ворошилов дедики, чегара ва модия масалаларини ҳал этиш тўғрисида яқинда Совет Иттифоқи блан Эрон ўртасида тузилган битим, шунингдек Совет Иттифоқининг ташаббуси блан кўрилган бошқа бирқанча тадбирлар Совет Иттифоқининг Эрон блан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам беришни истаётганлигини очиқ исбот этади. К. Е. Ворошилов яна бундай деди: «Совет Иттифоқи Бағдод пактининг тузилиши ва ана шу ҳарбий блокда Эроннинг иштирок қилиши каби фактларга э'тибор бермай қолаолмайди, албатта. Шу муносабат блан бизнинг тутган позициямиз Сизга ма'лум».

«Элчининг Эрон Ҳукумати номидан гапириб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари ҳақида билдирган истаги, — деди К. Е. Ворошилов, — тегишинча ривожланади, деб умид қилишни истаймиз. Бу ривожланиш эса, шубҳасиз, ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига мувофиқдир».

К. Е. Ворошилов, Эрон Шоҳаншоҳи Ҳазратларининг яқинда Совет Иттифоқига келиши муносабати блан Элчининг қилган баёнотини табриклайман ва шу тўғрида айтилган гапларга тегишинча баҳо бераман, деди.

«Совет кишилари, — деди К. Е. Ворошилов, — Эрон парламент делегациясининг СССРда бўлиши давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ишига хизмат қилади, деб ишонадилар».

К. Е. Ворошилов ўз сўзининг охирида Эрон халқига эсон-омонлик ва унинг гуллаб-яшнашини, Ансорий жанобларига эса унинг ўз нутқида айтиб ўтганидек, ўзининг мас'улиятли вазифасини бажаришида муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиқлари топширилиб, нутқлар сўзланганидан кейин К. Е. Ворошилов А. Х. Ансорий блан суҳбат қилди.

Суҳбатда Н. М. Пегов ва В. С. Семенов қатнашдилар. (ТАСС).

МОСКВА ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ГЎШТ, ТУХУМ ВА ЖУН ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Москва областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езднни муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириб, жун тайёрлаш ва сотиш давлат планини 10 ноябрьгача 100,8 процент, тухум тайёрлаш ва сотиш планини 1 декабрьгача 102,6 процент ва гўшт тайёрлаш ва сотиш планини 20 декабрьда 100,3 процент миқдорида муддатидан илгари бажардилар.

Давлатга гўшт ўтган йилдагига нисбатан 10,095 тонна кўп ва тухум 21.730 минг дона кўп топширилди.

Ҳозирги вақтда Москва областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари чорва моллар қишловини муваффақиятли ўтказиш, кўкламги экишни ўтказишга яхши тайёрланиш ва шу блан 1956 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун зарур шароитни яратиб бериш соҳасидаги ишларни олиб бормоқдалар.

Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш савиясини янги талаблар даражасига кўтарайлик

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети пленумидан

23 декабрьда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар партия комитетининг V пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Тошкент шаҳар олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни янада яхшилаш тўғрисида» шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Р. Арнаутовнинг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Докладда, шунингдек музокараларда КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида фан ва техникани ривожлантириш, халқ хўжалигининг барча соҳалари учун мутахассислар тайёрлашни тинмай такомиллаштириш соҳасида олий ўқув юртлари ходимлари олдига янги ва жуда мураккаб вазифалар қўйилганлиги уқтириб ўтилди. Шаҳар олий ўқув юртлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига амал қилиб, кейинги вақтларда ёш мутахассис кадрлар тайёрлашни яхшилашга қаратилган бирқатор муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Кўпгина олий ўқув юртларида ўқитиш сифати ва методикаси яхшиланди, фан кабинетлари ва лабораториялар янги асбоб-ускуналар ҳамда ўқув қуроллари блан мукаммал жиҳозлантирилди. Ўқув планлари ва программаларини бажаришга жиддий э'тибор берилабошлади. Шунингдек, лекция ва семинар машғулотларининг ғоявий-назарий савиясини бирмунча оширишга эришилди.

Шу блан бирга шаҳар олий ўқув юртларининг мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу камчиликлар асосан шундан иборатки, олий ўқув юртларида мутахассислар кўпинча халқ хўжалигининг зарур талаб ва эҳтиёжларини тўғри ҳисобга олмаган ҳолда тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам техника ўқув юртлари орқали, айниқса сув хўжалиги министрлиги системасида ишлаш учун инженер, техниклар, қурилишлар учун бинокор-инженерлар, педагогика институтлари томонидан эса физика, математика ўқитучилари жуда кам тайёрланмоқда. Бундай аҳвол планлаштируучи ташкилотлар томонидан мутахассислар тайёрлаш ишини республика халқ хўжалигининг муҳим талабларини ва унинг ишлабчиқаручи кучларини ривожлантириш перспективаларини аниқ ҳисобга олмаган ҳолда планлаштирилиши натижасида юз бермоқда.

Шу нарса айтиб ўтилдики, бирқатор олий ўқув юртларининг директорлари ва партия ташкилотининг секретарьлари ёш мутахассислар тайёрлашнинг сифатига жиддий э'тибор бермаётирлар, ўқитишнинг сифати ва методикаси блан етарли равишда қизиқмаётирлар.

Ма'лумки, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг сифати ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясига боғлиқ. Лекин, шундай ўқитучилар ҳам борки, улар ўз бурчларига мас'улиятсизлик блан қараб, машғулотларга пухта тайёрланмайдилар. Натижада лекцияларни кўпинча юзаки, абстракт характерда ўқийдилар, семинар ва практик машғулотларни паст савияда ўтказадилар, уларни коммунистик қурилиш практикаси блан боғламайдилар. Бундай лекцияларда материаллар схематик ва айрим қоидалар чалкаш, ноаниқ, ба'зан эса хато талқин этилади. Чунончи, Темир йўл транспорти инженерлари институтининг доценти ўртоқ Цикунов «Электр темир йўли» деган темада ўқиган лекциясида фақат электр темир йўлининг ривожланиш тарихини баён қилиш блан кифояланиб, ҳозирги замон электр темир йўлини техника жиҳатдан ускуналашнинг ўзига хос хусусиятлари, бу масала юзасидан партия XIX с'езди директивалари ҳақида ҳеч нарса демаган ва Темир йўл транспорти ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши материалларидан фойдаланмаган.

Семинар, лаборатория ва практик машғулотлар ўқиш процессини ташкил этишда катта ўрин тутади. Бу машғулотлар студентлар олаётган билимларни мустаҳкамлайди ва чуқурлаштиради ҳамда уларга программа материали устида мустақил ижодий иш олиб боришни ўргатади.

Илмий-текшириш ишларининг орқада қолаётганлиги натижасида олий ўқув юртлари ходимлари орасида илмий даража ва унвонга эга бўлганлар фақат 38,4 процентни ташкил этади. Бирқанча кафедраларда илмий тадқиқот ишлари плани йилдан-йилга бажарилмасдан келмоқда. Ба'зи илмий ишларнинг тематикаси жуда тор бўлиб, олдимизда турган талабларга тўла жавоб бермайди. Шунингдек илмий-текшириш ишларининг натижалари ишлабчиқаришга кўнгилдагидек жорий қилинмаётир. Республикада илмий фикр штаби бўлган Фанлар академияси муҳим илмий проблемаларни ҳал этишда олий ўқув юртларига кам ёрдам бермоқда. Пленумда айрим саноат корхоналари раҳбарларининг тамомланган ва тавсия этилган илмий ишларни ишлабчиқаришга жорий қилишга етарли даражада э'тибор бермаётганликлари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар студент-ёшларни тарбиялаш иши бутун ўқув процессида амалга оширилиши кераклигини кўрсатиб ўтдилар. Лекин кўпгина ўқитучилар, айниқса ижтимоий фанлар ўқитучилари лекция ўқиш, семинар машғулотлари ўтказиш блангина чекланиб қолмоқдалар. Улар студентларда юксак ма'навий хислатларни шакллантириш учун марксизм-ленинизм назариясининг та'сирчан тарбиявий кучидан етарли фойдаланмаётирлар. Э'тироф қилиш керакки, олий ўқув юртлари дирекциялари, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва ўқитучилар коллективи студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни юзаки олиб бормоқдалар.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент тўқимачилик институти партия ташкилотининг секретари ўртоқ Худковский айтдики, олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ишининг сифатига кўпинча қабул имтиҳонлари вақтида конкурс шартларига тўла риоя қилмаслик, шунингдек ўрта мактабларни тамомлаган ёшларнинг етарли билимга эга бўлмаганликлари ҳам сабаб бўлмоқда.

— Ўқув планида, — деди Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг директори ўртоқ Сукач, — практик машғулотлар учун жуда кам соат ажратилган. Бу ҳол мутахассис кадрлар тайёрлаш ишининг сифатига ёмон та'сир қилмоқда. Институт ўқув мастерскойидаги асбоб-ускуналар ҳозирги замон техникаси талабларига мутлақо жавоб бермайди. Чунки, практик машғулотлар жуда эскириб қолган станоклар блан ўказилмоқда. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар олдига бирнеча бор талаблар қўйилган бўлса ҳам ҳамон натижасиз қолиб кетаётир.

Ўрта Осиё политехника институти партия ташкилотининг секретари ўртоқ Чечелев олий ўқув юртлари партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермаётганликлари учун район ва шаҳар партия комитетларининг раҳбарларини танқид қилди.

Тошкент темир йўл бўлимининг бошлиғи ўртоқ Димитров пленум қатнашчиларининг э'тиборини студентлар блан практик машғулотлар ўтказишни яхшилашга қаратди. Кўп ҳолларда институтни тамомлаган студентлар аудиториядa олган назарий билимларини практик ишда қўллаолмайдилар. Ба'зан шундай ҳоллар ҳам содир бўлмоқдаки, масалан транспорт институтини тамомлаган айрим мутахассислар марказда қолишга ҳаракат қиладилар, улар ҳатто ўз мутахассислигига алоқаси бўлмаган вазифада ишлашга ҳам рози бўлодилар. Бундай фактларга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак.

Музокарада сўзга чиққан Фрунзе район партия комитетининг секретари Кузнецов, шаҳар комсомол комитетининг секретари Абдунабиев ўртоқлар айрим олий ўқув юртларида студентлар блан индивидуал иш олиб борилмаётганлиги, бутун идеологик ва тарбиявий ишларнинг аҳволи учун биринчи навбатда партия, комсомол ташкилотлари, шунингдек ўқитучилар жавобгар эканликлари ҳақида гапирдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Кованов нутқ сўзлади.

Пленум олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва 1956 йилда пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш вазифалари

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўртоқ Н. А. МУҲИДДИНОВНИНГ Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида 1955 йил 20 декабрьда қилган доклади

Ўртоқлар!

Мамлакатимиз Коммунистик партиясининг XX с'ездини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланмоқда. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари бу тарихий воқиа шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қизитиб, бу йил мамлакат экономикасини ва маданиятини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Партия ва Ҳукумат томонидан кейинги икки йил мобайнида ўтказилган катта тадбирлар қишлоқ хўжалигини янада юқори босқичга кўтаришни та'минлади. СССРда экин майдонлари 28 миллион гектар кўпайди. Мамлакат галлани, сутни, гўштни ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўтган йилдагига қараганда кўп олди.

Совет давлати ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсатини амалга ошириш соҳасида 1955 йилда янги муваффақиятларга эришди.

Ўртоқ Николай Александрович Булганиннинг ва ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга қилган сафари жуда катта халқаро ва тарихий аҳамиятга эга воқиа бўлди, Совет Иттифоқи халқлари блан Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам берди ва бутун дун'ёда тинчликни ҳамда ҳавфсизликни та'минлаш ишига қўшилган жуда катта ҳисса бўлди. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Мамлакатимизнинг ҳамма халқлари сингари ўзбек халқи ҳам ўртоқ Н. С. Хрушчев ва ўртоқ Н. А. Булганин бошчилигидаги совет делегацияси қилган ишларнинг порлоқ натижаларини қизғин равишда ма'қуллайди ва жонажон Совет давлатининг ленинча доно ташқи сиёсатини чин кўнгилдан қўллаб қувватлайди. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

* * *

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сентябрь, январь ва июль Пленумларининг қарорларини бажариш учун курашиб, Партия ва Ҳукумат томонидан берилаётган катта ташкилий ва моддий ёрдамга таянниб, саноатни, қишлоқ хўжалигини, маданиятни ва илм-фанни ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришдилар.

Саноатимиз яқин кунларда йиллик планни тўла бажарди ва пландан ташқари қўшимча равишда 600 миллион сўмлик маҳсулот беради. Капитал қурилиш ҳам ўсиб бормоқда.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари зўр ғайрат блан ишлаганликлари натижасида бу йил республика галла, жун, қоракўл териси, пилла, каноп пояси, сабзавот, картошка, тухум, пичан, қовун-тарвуз, узум, хўл ва қуруқ мева тайёрлаш давлат планларини бажарди.

Ўтган йилдагига нисбатан гўшт 43 процент кўп тайёрланди, сут 46 процент, жун 16 процент, тухум 59 процент кўп тайёрланди.

Шу кунгача республикада пахта тайёрлаш плани 97,3 процент бажарилди. Республика пахта тайёрлаш планини тўла бажариш учун ҳамма имкониятларга эга.

Бундан бир йил муқаддам буерда Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР пахтакорларининг кенгаши бўлган эди. Шу кенгашда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги камчиликларимиз ва хатоларимиз жиддий равишда ва тўғри таҳлил қилинган эди.

Ушанда Ўртоқ Хрушчев республикада йўл қўйилган хатоларни муфассал анализ қилиб, пахтачиликни янада юксалтириш йўлларини белгилаб берган эди. Бу йўл пахта етиштиришнинг прогрессив методларини амалга ошириш блан ва биринчи навбатда қатор ораларини торайтириб чигит экишга ўтиш ҳамда чигитни квадрат-уялаб экиш усулини жорий қилиш ва ғўза қатор ораларини ишлашни комплекс механизациялаш воситаси блан пахта ҳосилини ошириш йўлидир.

Биз бу қилинган тавсияларни бутун ишимизга асос қилиб олдик.

«Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш», «Чирчиксельмаш» заводларининг ва республикадаги бошқа кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари, шунингдек Москва, Ленинград, Харьков ва мамлакатдаги бошқа шаҳарларда бўлган заводлар коллективларининг, машина-трактор станциялари ва совхозлар коллективларининг аҳил бўлиб иш олиб бориши натижасида 20 мингга яқин трактор, 11 минг сеялка, 7 минг культиватор ва бошқа кўпгина машиналар торайтирилган қатор оралариде ишлашга қисқа муддат ичида мослаштирилди.

Пахта етиштиришнинг янги усулларини пропаганда қилиш ва бу усулларни яхши билиб олган кадрларни тайёрлаш соҳасида катта ишлар олиб борилди. Колхозчилар ва механизаторлардан 200 мингга яқин киши қисқа муддатли курсларда ўқиб чиқди. Пахтачиликка даҳли бўлган кишиларнинг деярлик ҳаммаси—обкомларнинг, область ижроия комитетларининг, райкомларнинг ва район ижроия комитетларининг ходимлари, агрономлар, колхозларнинг раислари, бригада бошлиқлари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари мана шу қисқа муддатли курсларда ўқиб чиқдилар.

Бу нарса пахта майдонининг деярлик ҳаммасида қатор ораларини торайтириб чигит экишни та'минлашга имкон берди. Ҳаммаси бўлиб 1 миллион 300 минг гектардан кўпроқ ернинг фақат 18 минг гектаригагина қатор оралари 70 сантиметрлик қилиб чигит экилди, холос.

543 минг гектар ерда ғўза квадрат-уялаб ва тўғрибурчак-уялаб жойлаштирилди. Шу ерларнинг ҳаммасида ғўза қатор оралари 2 мартадан кўпроқ кўндалангига ишланди.

Бу йил ғўзани парвариш қилишнинг янги усулларига ўтишда қат'ий бурилиш йили бўлди. Ҳарбир колхозда ва совхозда янги агротехника кенг равишда синовдан ўтказилди.

Ҳарбир колхоз ва совхоз, барча пахтакорлар бу прогрессив усулларнинг катта афзаллиги борлигини ўз тажрибаларида кўриб ишондилар.

Чигитни квадрат-уялаб экиш усули жорий қилинган жойларнинг ҳаммасида, қўл яқин раҳбар ходим ишлаётганда, ёки ҳар-меҳнати кам сарфлангани ҳолда, пахтанинг ҳосилдорлиги ошди. Кўпгина колхозлар ва районлар чигитни квадрат-уялаб экиш ва ғўза қатор ораларини машина блан узунасига-кўндалангига ишлаш натижасида ҳарбир гектардан олинадиган пахта ҳосилини 3—4 центнер ва бундан ҳам кўпроқ оширишга муваффақ бўлдилар. Орқада қолиб келган бирқанча колхозлар эса шу янги усул туфайли пахта ҳосилини икки баравар кўпайтирдилар. Пахтанинг ҳарбир тоннасига сарфланадиган меҳнат 30—35 процент камайди.

Ғўза қатор ораларини узунасига-кўндалангига ишлаган колхозлардан Ховос районидаги Карл Маркс номли колхоз ҳарбир гектардан 33 центнердан ҳосил олди, Китоб районининг Калинин номли колхозида Ўртоқ Жабборов бригадаси 42 центнердан, Сталин номли 16-нчи совхозда Ўртоқ Бороненко бригадаси 33 центнердан ҳосил олди. 1346 гектар ерга квадрат-уялаб чигит эккан «Ҳазорбоғ» совхози ҳарбир гектар ердан 30 центнердан ҳосил олди.

Пахта етиштиришнинг янги усулларини кенг жорий қилган кўпгина районлар ҳарбир гектардан 25 центнердан ошириб ҳосил олдилар.

Биз бугун кенгашда Хрушчев ва Булганин ўртоқларга шуни айтаоламизки, Ўзбекистон пахтакорлари пахта етиштиришнинг прогрессив методларини—қатор ораларини торайтириб чигит экиш, чигитни квадрат-уялаб экиш ҳамда ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш усулларини амалга ошириш масаласини узил-кесил ва қат'ий равишда ҳал қилдилар ва эндиликда шу прогрессив усулларни сра оғишмай амалга оширадиган бўлдилар.

Бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги ва сув етишмай қолганлигига қарамай, агротехниканинг мана шу янги усуллари туфайли Андижон, Наманган, Сурхондар'ё, Тошкент, Фарғона областлари, 752 колхоз, 8 совхоз, 65 район пахта тайёрлаш планини бажарди.

Шу блан бирга, шуни э'тироф қилиш керакки, биз бу йил ҳам бор имкониятлардан ва резервлардан пахта етиштиришни кўпайтириш учун тўла равишда фойдаланолмадик, бунинг натижасида 1019 колхоз, 22 совхоз ва 79 район пахта тайёрлаш планини бажаргани йўқ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати ишнинг муваффақиятли бўлишини хўжаликни ташкил қилишнинг ва унга раҳбарлик қилишнинг даражаси ҳал қилади, деб бизга неча марталаб кўрсатдилар. Бу йилги тажриба бу кўрсатмаларнинг тўғрилигини жуда аққол исбот қилди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари пахтачиликка моҳирлик блан, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилган жойларда қийинчиликлар муваффақият блан бартараф қилинди ва пахтадан мўл ҳосил олинди.

Бунга мисол қилиб Андижон областини кўрсатиш мумкин.

Бу область 1954 қишлоқ хўжалик йилини жуда қониқарсиз якунлаган эди.

Область ва район ташкилотлари ўтган йилнинг сабоқларини ҳисобга олиб, хўжаликка ташкилий-партиявий раҳбарлик қилиш савиясини анча оширдилар ва икки асосий масалага, я'ни агротехниканинг янги илғор усулларини кенг жорий қилишга ҳамда қолоқ районлар ва колхозларни илғорлар даражасига етказишга ўзларининг бутун э'тиборларини бердилар.

Шунинг учун ҳам улар яхши натижаларга эришдилар.

Областдаги районлар ва совхозларнинг ҳаммаси, 210 колхоз пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу область давлатга ўтган йилдагига қараганда 62 минг тонна кўп пахта топширди. Бу областда ўтган йил ҳарбир гектардан 21,24 центнердан пахта олинган бўлса, бу йил 26,8 центнердан пахта олинди.

Область чорвачиликни ривожлантириш топшириқларини муваффақият блан бажарди. Қариб уч баравар кўп сут тайёрлади. Колхозлар ва совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турларини тайёрлаш ва закупка қилиш планини бажардилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Андижон области қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жиддий муваффақиятларга эришганлигига қарамай, бу областда пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш соҳасида бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Андижон области 1951 йилдаёқ ҳар гектар ердан 26,26 центнердан ҳосил олган эди. Демак, ҳосилдорлик жиҳатидан область фақат 1951 йил даражасига етди. Буни асло старлик деб бўлмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, областдаги 223 колхоздан 40 таси ҳар гектардан 20 центнердан кам ҳосил олди.

Қорақалпоғистон АССРнинг (обком секретари ўртоқ Махмудов, Министрлар Советининг раиси ўртоқ Сеитовнинг) бу йилги якунлари жуда қониқарсиздир. Қорақалпоғистон 1954 йилда пахта планини яхши бажарган эди. Лекин эришилган муваффақиятлар кейин амалий иш блан мустаҳкамланмади—хотиржамлик ва бепарволик натижасида чигит экиш учун энг қулай агротехника муддатлари ўтказиб юборилди, ғўза яхши парвариш қилинмади, пахта териш ёмон уюштирилди. Натижада Қорақалпоғистон пахта тайёрлаш планини шу кунгача бажармади ва хатто пахтанинг, беданинг ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги жиҳатидан эришилган даражани ҳам пасайтириб юборди.

Қорақалпоғистон колхозлари ўзларига бириктиб қўйилган сугориладиган ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда пахтани бутун республикалагига қараганда 30 процент кам, гўштни Тошкент, Фарғона, Наманган ва Андижон областларидагига қараганда икки баравар кам олдилар.

Қорақалпоғистон АССРнинг айрим раҳбар ходимлари кадрлар етишмаётир, деб нолийдилар. Аммо партия, совет, қишлоқ хўжалик органларида, тайёрлаш органларида, МТСларда ва колхозларда 5 мингга бир колхозга 27 тадан раҳбар ходим тўғри келади.

Йил якунларига биноан, Қорақалпоғистон колхозларида меҳнат кунларига тахминан 70 миллион сўм берилади, мазкур ходимларнинг бир йиллик ишқаки фонди эса 40 миллион сўмни ташкил қилади.

Хоразм области ҳам йилни тахминан мана шундай якунлар блан тугалламоқда. Область раҳбарлари Раҳмонов ва Ризаев ўртоқлар пахтачилик соҳасидаги ва умуман қишлоқ хўжалик соҳасидаги камчиликларни тугатамиз деб неча марталаб ва'да берганликларига қарамай, область пахта тайёрлаш планини бажармади, қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларида ҳам тузук натижаларга эришмади.

Тўғри, кузда совуқ эрта тушганлиги сабабли Қорақалпоғистон ва Хоразмда ҳосил анча нобуд бўлди, лекин шундай шароитда ҳам Хўжайли районидаги Ленин номли, Куйбишев районидаги Чапаев номли, Боғот районидаги Нариманов номли, Гурлан районидаги Андреев номли, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли, Урганч районидаги Нариманов номли колхозлар ва бошқа кўпгина колхозлар ҳарбир гектардан 25—32 центнердан пахта ҳосили олдилар ва планни анча ошириб бажардилар.

Мана шу колхозларнинг, кўпгина бригадалар ва звеноларнинг иш тажрибалари шуни кўрсатадики, тўғри раҳбарлик бўлганида ва мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан яхши фойдаланилганида Қорақалпоғистон ҳам. Хоразм ҳам қийинчиликларни енгиши ва, ҳеч сўзсиз, пахта тайёрлаш планини бажариши мумкин эди.

Республика совхозларининг қандай ишлаганлигини қисқача гапириб ўтайлик.

Совхозларнинг пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида жуда катта имкониятлари бор. Улар тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари блан яхши та'минланганлар, ҳарбир гектарга ҳисоблаганда минерал ўғитларни колхозларга қараганда кўпроқ оладилар.

Бизда ўз хўжалигини яхши бошқаратган, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йил сайин қўлайтириб бораётган совхозлар бор. «Ҳазорбоғ», «ВЛКСМ 30 йиллиги», «Сурхон», «Малик» совхозлари мана шундай совхозлардандир. Лекин шунга қарамай, кейинги 5 йил мобайнида республика совхозлари пахта етиштириш планини бажармаётирлар ва пахтанинг ҳосилдорлигини ҳам камайтириб юбормоқдалар.

Совхозларда пахтанинг таннархи ҳали ҳам жуда баланд.

Кўпгина галлачилик ва чорвачилик совхозларида ҳам катта камчиликлар бор.

Совхозлар министри ўртоқ Жалилов ҳамда унинг ўринбосарлари Мангутов, Руцкий, Носиров ўртоқлар ва кўпгина область ҳамда район партия ва совет органларининг совхозларга конкрет раҳбарлик қилмаётганликлари мана шундай оқибатларга олиб келди.

Марказий Комитет, Министрлар Совети, обкомлар, область ижроия комитетлари, райкомлар ва район ижроия комитетлари совхозлар ишининг якунларини ҳартомонлама текшириб чиқишлари, улардаги жиддий қолоқликни 1956 йилда тугатиб, ҳамма совхозларнинг планларни ҳеч сўзсиз бажаришига эришиш чораларини кўришлари лозим.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида колхозлар ва совхозлар томонидан ишлаб чиқилган тадбирларга асосан, 1956 йилда республиканинг пахта тайёрлаш плани ҳозиргача тайёрланган пахтага қараганда 400 минг тонна кўп миқдорда тасдиқланган. Бунинг учун, пахтанинг ҳосилдорлигини бир йил ичида камида 3 центнер оширишимиз керак. 1957 йил учун пахта тайёрлаш плани бундан ҳам кўп белгиланган.

Пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида республика олдида турган вазифаларнинг мас'улиятли ва мураккаб вазифалар эканлигини жуда қат'ий равишда уқтириб ўтиш керак. Бу ишда биз Украинанинг ажойиб тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Ма'лумки, 1954 йилда Украинада қурғоқчилик бўлиб қишлоқ хўжалигига катта зарар етган эди. Шунинг учун Украина меҳнаткашлари 1955 йилда планни бажаришгина қолмасдан, шу блан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кам топширилган қисмини тўлдиришни ҳам ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Украинали ўртоқлар ўзлари берган ва'дани шараф блан бажардилар ва давлатга пландан ташқари 150 миллион пуддан кўпроқ галла, бирнеча минг тонна гўшт, сут, сабзавот, қанд лавлаги ва бошқа маҳсулот топшардилар.

Биз ҳам Украинанинг шонли меҳнаткашларидан ўрнак олиб, 1956 йилда пахта етиштиришни 1955 йилдагига қараганда камида 500 минг тонна кўпайтириш вазифасини олдимизга қўйишимиз лозим.

Ҳўш, бунинг учун нималар қилиш керак? Пахтачиликни юксалтиришнинг асосий йўли — ҳосилдорликни оширишдир. Ҳамма жойда ғўзани парвариш қилишнинг янги, прогрессив усулларига ўтиш — ҳосилдорликни оширишни ва зиммамизга олган мажбуриятларни бажаришни та'минлайдиган асосий шартдир. Бу йил биз бу соҳада етарлик тажриба тўпладик, зарур кадрларимиз ва лозим бўлган техникамиз бор.

Биз бу йилнинг дастлабки якунларини тўпладик ва ўргандик ҳамда колхозлар, совхозлар, районлар ва областларнинг 1956 йилда чигитни квадрат-уялаб экиш схемалари тўғрисида қилган таклифларини тўпладик ва ўрганиб чиқдик. Шу таклифларга ва мавжуд техникага асосланиб туриб, чигитни қуйидаги схемалар блан экишни мўлжалламоқдамиз:

Пахта майдонининг 9 процентига 45х45 схема блан,

Пахта майдонининг 29 процентига 50х50 схемаси блан,

Пахта майдонининг 22 процентига 60х45 схемаси блан.

Пахта майдонининг 7 процентига 60х60 схемаси блан экамиз.

Ҳаммаси бўлиб бутун экин майдонининг қарийб 70 процентига чигитни квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экишни мўлжалламоқдамиз. Экин майдонининг қолган қисмига чигитни қатор ораларини торайтириб оддий усулда экиш мўлжалланади.

1957 йилда республикадаги пахта майдонининг ҳаммасига чигит квадрат-уялаб экилади ва ғўза қатор оралари узунасига-кўндалангига ишланади.

Бундан кўриниб турибдики, чигитни 50х50 схемаси блан квадрат қилиб экиш анча кенгайтирилади. Бунинг сабаби шуки, 1954 ва 1955 йилларнинг тажрибаси бу схеманинг афзаллиги айниқса кўп эканлигини пўрсатди. Суғориладиган ерлардаги деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институти томонидан ўтказилган тажрибаларда шу схема блан чигит экилган ерлардан энг кўп, я'ни ҳарбир гектардан 40 центнердан ҳосил олинди. Фанлар Академияси Қишлоқ хўжалик институтининг ма'лумотларига қараганда, чигит экиш схемаларини ўрганиш ўтказилган колхозларда чигит 50х50 схемаси блан экилган жойларда пахтадан энг кўп, я'ни 35 центнердан ҳосил олинган.

Бу схема блан чигит экилганда пахта ҳосилдорлигининг энг юқори бўлишига сабаб шуки, ҳарбир гектар ерда 40 мингтадан уя, ёки 90—110 минг тупдан ғўза бўлади. Ғўзанинг бундай жойлаштирилиши энг кўп ҳосил тўпланиши ва етилиши учун ҳамда техникадан энг унумли фойдаланиш учун жуда қулай шароит вужудга келтиради. Ғўза қатор ораларини битта тракторнинг ўзи блан кўндалангига ва узунасига ишлаш мумкин бўлади.

Чигитни квадрат-уялаб ва тўғри бурчак-уялаб экиш усулининг анча кенгайтирилиши ва қатор ораларини икки томонлама ишлашни та'минлаш ҳозирнинг ўзиданоқ экишга тайёргарлик соҳасида катта ишлар олиб борилишини талаб қилади.

1955 йилдаги ишларнинг якунларига асосланиб ва тупроқ-рельеф шароитига кўра, яқин кунларда колхозларда ва совхозларда қайси схема блан қанча ерга чигит экилишини аниқлаб, шунга яраша ер ажратиб қўйиш керак. Шуни назарда тутиш керакки, чигитни 50х50 схемаси блан экмоқ учун 9 мингдан кўпроқ тракторни, 5400 сеялкани, 8600 культиваторни мосдаштириш лозим бўлади.

Хуллас қандай қилиб бўлса ҳам экиш агрегатларининг ҳаммасини 1 мартгача мослаштириб, батамом тахт қилиб қўйиш керак.

«Ўзбексельмаш» заводи коллективи бошқа заводлар блан биргаликда ишлаб, қатор ораларини 50 сантиметр қилиб чигит экмоқ учун керак бўладиган 1500 та янги сеялкани, я'ни чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкаларни биринчи кварталда ишлаб чиқариши лозим.

Янги агротехникани жорий этадиган кадрларни оммавий равишда тайёрлашни кенг ташкил этиш зарур. Тайёрланадиган кадрларнинг ҳаммасига янги агротехника усулларини фақат амалий равишда, бевосита даланинг ўзида ўргатиш ва уларда техникадан бемалол фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш керак.

Зарур агротехника тадбирларининг ҳаммаси ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилган тақдирдагина бу янги усуллар кутилган натижаларни беради. Аммо, куз жуда яхши келганига қарамай, ҳозирча фақат 800 минг гектар ер шудгор қилиб қўйилди. Бирлари шудгорлашда айниқса Қорақалпоғистон АССР, Фарғона ва Сурхондар'ё областлари кейинда қолмоқда. Кузги шудгорни тугалламоқ учун ҳаво очиқ бўлган ғанимат кунлардан тўла фойдаланиш керак.

Ерларнинг шўрини ювиш ва запас суғориш ишларини ўтказишни ҳам кучайтириш керак.

Самарқанд, Бухоро, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистонда пахтадан кам ҳосил олинаётганлигининг асосий сабабларидан бири шуки, ерларни текислаб қўйишдек ҳал қилучи факторга э'тибор бермаётир. Ерлар текис бўлмаганлиги чигитнинг бир текисда униб чиқишини, ғўзани тўғри суғоришни қийинлаштиради ва бунинг натижасида суғориш вақтида ғўзани сув босиб кетади. Масалан, Бухоро областида, Қорақалпоғистон АССРда ва Самарқанд областининг кўпгина районларида ҳарбир гектардаги ғўзанинг қалинлиги 100—120 минг туп ўрнига, 60—70 минг тупдан ошмаётир.

Квадрат-уялаб экиш усулини кенг жорий қилиш вақтида ернинг нотекис бўлишига айниқса йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу усул ғўза тупларининг биртекисда аниқ жойланишини талаб қилади. Квадратларнинг аниқ бўлмаслиги ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлашни қийинлаштиради. Далаларни текислашга алоҳида э'тибор бериш лозим. Бу иш ер текислайдиган машиналарнинг ҳаммасидан тўла равишда фойдаланган ҳолда мустақил ўтказилиши лозим.

Ғўза тупларининг қалинлиги белгиланган миқдорда бўлишини та'минлаш учун кураш колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг ишида асосий ўрин олиши лозим. Ғўза тупларининг бир-текис бўлишига чигит экишдан бошлаб то пахтани териб олишга қадар яхши э'тибор берилиши керак.

Қиш даврида қизғин иш олиб бориб, чигит экишга шундай тайёргарлик кўриш керакки, баҳорда чигитни энг яхши агротехника муддатларида, я'ни 8—10 кун ичида батамом экиб олиш ва экилган ерларнинг ҳаммасида апрельнинг охиригача чигитнинг биртекис униб чиқиши та'минланси, ғўзани машина блан яганалаш, ғўза қатор ораларини ишлаш ва озиқлантириш барвақт ўтказилиши лозим.

Биз ғўзани суғориш вақтида ҳам жиддий хатоларга йўл қўйиб келдик. Ғўзани суғориш вақтида кўпинча унинг сув талаб бўлиши ёки бўлмаслигига э'тибор берилмади. Суғоришни сифатли қилиб ва ўз вақтида ўтказишда сувчиларнинг роли катта. Аммо, ғўзани суғоручи ходимларга зарур бўлган даражада э'тибор берилмаслиги келди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма бригадаларда энг яхши ва тажрибакор колхозчилар орасидан ғўза суғоришни яхши биладиган кишиларни танлаб олиб, уларни колхоз правлениеларининг мажлисларида номма-ном тасдиқлаб олиш ва уларга ғўзани янги шароитда суғориш техникасини ўргатиб бориш керак.

* * *

Пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан орқада қолаётган колхозларни ва районларни илғорлар қаторига етказиб олиш жуда катта умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Биринчидан, бу тадбирни пахта етиштиришни кўпайтиришнинг анча катта резерви деб ҳисобламоқ керак, иккинчидан эса, қолоқ колхозларни фақат шу асосдагина иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаб олиш мумкин бўлади. Биз қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш зарурлиги тўғрисида кўп гапириб бунинг учун яхши тадбирларни ишлаб чиқамизу, аммо бу соҳада муттасил иш олиб бормаймиз, шу сабабли моддий-техника имкониятлари анча кўпайганлигига қарамай, пахтадан кам ҳосил олаётган колхозлар ва районларнинг сони озаймаётир. Ҳар гектар ердан 15 центнердан кам пахта ҳосили олган колхозлар 1953 йилда 780 та, 1954 йилда 580 та эди, бу йил эса бундай колхозларнинг сони 700 та бўлди. Яна бунинг устига ҳар гектардан 15 центнердан кам ҳосил олаётган бутун-бутун районлар ҳам бор.

Энди бундай аҳволга асло чидаб бўлмайди. Қолоқ колхозларни юксалтириш вазифасини ҳал қилаётганимизда, аввало бу колхозларни малакали кадрлар блан мустаҳкамлашимиз керак, токи, улар шу қолоқ колхозларни илғор колхозлар қаторига ўтказиб оладиган бўлсинлар. 1955 йилда республика, область ва район аппаратларидан ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларидан колхозларга жуда кўп янги ходимлар юборилди.

Тажриба шуни кўрсатадики, яхши тайёргарлиги бўлган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кишилар қишлоқ хўжалик артелларига раҳбарлик қилаётган жойларда шу колхозларнинг хўжалиги қисқа муддат ичида жуда бақувват бўлиб қолди. Норин районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари район партия комитетининг инструктори ўртоқ Жўраевни раис қилиб сайламасларидан олдин, я'ни 1954 йилда бу колхоз гектаридан 14 центнердан ҳосил олган. Колхознинг аҳволи жуда оғирлашиб қолган эди. Янги раис сайланганидан кейин колхоз бу йил 1560 гектар ерга чигит экиб, 21,5 центнердан ҳосил олди. Пахта топшириш планини бажарди. Колхознинг даромади 9,5 миллион сўмга етди, колхозчилар ўтган йил ҳарбир меҳнат кунига салкам 1 сўмдан пул олган бўлсалар, бу йил 9 сўмдан пул оладилар. Меҳнат кунига натура блан бериладиган даромад ҳам анча кўпайди.

Янгийўл районидаги «XIX Партс'езд» колхози а'золари Қишлоқ хўжалик министрлигининг ходими ўртоқ Воҳидовни раис қилиб сайладилар. Натижада бу колхоздаги хўжалик тармоқларининг ҳаммаси 1955 йилда анча яхшиланди. Ойим районидаги Максим Горький номли колхозга раис бўлган ўртоқ Раҳмонов, Булоқбоши районидаги «Коммунизм» колхозига раис бўлган ўртоқ Алимов ҳам шу колхозларнинг хўжалигини анча мустаҳкамладилар, экинларнинг ҳосилдорлигини оширдилар ва давлатга пахта топшириш планини муддатидан олдин бажаришни та'минладилар. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Бизнинг вазифамиз шуки, қолоқ колхозларга жуда яхши тайёргарлиги бўлган, ишнинг кўзини биладиган кишиларни юборишимиз керак. Бундай кишилар қолоқ колхозларнинг ишини янгича ташкил қиладилар ва уларни қолоқликдан чиқариб оладилар.

Экинбоп ерлардан энг рационал фойдаланиш йўлларини белгилаб олмасдан туриб, қолоқ колхозларнинг экономикасини кўтариш масаласини ҳал қилиб бўлмайди. Планлаштиришнинг янги тартибига мувофиқ, бу колхозларга энг серҳосил ва сердаромад экинлар экиш блан шуғулланишга ёрдам бериш керак. Токи бу колхозлар пахта майдонини янада кенгайтириш блан бирқаторда, шундай серҳосил ва сердаромад экинларни экиш йўли блан ўзларининг экономикаларини тез мустаҳкамлаб олсинлар ва колхозчиларнинг жамоат ишлабчиқаришига бўлган манфаатдорлигини қучайтирсинлар. Етиштирилаётган маҳсулотга қилинаётган сарфларни систематик равишда камайтираборишу, қолоқ колхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир.

Иккинчи томондан, мўл ҳосил олганлик учун амалдаги рағбатлантириш системасини ҳам тартибга солиш керак. Устама мукофотлар тўлаш соҳасида ҳозир ишлатилиб келаётган система 1935 йилда жорий қилинган эди. Бу система ҳосилдорликни оширишда катта роль ўйнади, лекин бу система бугун республика учун биртекисда қилиб белгиланганлиги ва ҳарҳайси жойнинг шароитига қараб жорий қилинмаганлиги сабабли, ҳархил ишлабчиқариш шароитларини ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишда эришилган даражани, я'ни ҳарбир ишловчига ҳисоблаганда қанча маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигини ҳисобга олмаётир.

Давлатнинг умумий манфаатларига ҳамда илғор колхозларнинг манфаатларига зарар етказмай, республика бўйича пахта қимматининг умумий суммаси доирасида пахтага ҳақ тўлашнинг ва, асосан устама мукофот тўлашнинг шундай системасини ишлаб чиқишимиз керакки, бу система ишлабчиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ҳосилдорликни янада оширишга, колхозчиларнинг меҳнат унумдорлигини кўтаришга рағбатлантирадиган бўлсин, иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган колхозларнинг илғорлар қаторига ўтиб олишига ёрдам берадиган бўлсин.

Одатда пахтадан паст ҳосил олаётган колхозларда ишга яроқли ҳарбир кишига тўғри келаётган экин майдони анча каттадир. Бутун республикада ўрта ҳисоб блан ишга яроқли ҳарбир кишига 1,2 гектардан пахта майдони тўғри келгани ҳолда, пахтадан кам ҳосил олаётган колхозларда ишга яроқли ҳарбир кишига 3 — 4 гектар ва бундан ҳам кўпроқ пахта майдони тўғри келади. Демак, бу колхозларда ишлабчиқариш процессларини энг кўп даражада механизациялаш алоҳида роль ўйнайди. Аммо, Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлари ва кўпгина МТСлар буни ҳисобга олмайдилар ва қолоқ колхозларнинг ишига лозим бўлган даражада э'тибор бермаётирлар.

Қишлоқ хўжалик йили якунланаётган ҳозирги пайтда қолоқ колхозларга ёрдам бериш, уларнинг қолоқлигига нималар сабаб бўлганлигини синчиклаб текшириб чиқиш ва 1956 йилда хўжаликни юқори босқичга кўтармоқ учун амалга оширилиши лозим бўлган конкрет тадбирларни белгилаб бериш айниқса муҳимдир.

Биз олдимизга шундай вазифа қўйишимиз керакки, 1956 йилда ҳар гектар ердан камида 20 центнердан кам пахта ҳосили олган битта ҳам колхоз ва битта ҳам совхоз қолмасин. Бунинг учун бизда имкониятлар бор ва бу имкониятларни ишга солишимиз керак.

* * *

Колхоз ишлабчиқаришида машина-трактор станцияларининг роли бу йил янада ошди. Кўпгина МТС ларнинг раҳбарлари колхозлардаги ишларнинг аҳволини чуқурроқ биладиган, илғор агротехника усулларини анча қат'ият блан жорий қиладиган бўлиб қолдилар. Далачилик ва чорвачиликда трактор блан бажариладиган ишларнинг ҳажми кўпайди.

Брок, техникадан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги, смена иш нормалари бажарилмаётганлиги натижасида 1955 йилда ҳам кўпгина дала ишлари МТСлар блан колхозлар ўртасида тузилган шартномаларда кўрсатилган муддатларга қараганда кечикиб ва сифатсиз бажарилди.

МТСларнинг ишларидаги катта камчилик шуки, улар комплекс механизациялашни секинлик блан жорий қилмоқдалар, бунинг натижасида пахтачиликда, чорвачиликда, пиллачиликда ва бошқа тармоқларда сарфланаётган меҳнат ҳали ҳам жуда кўп бўлмоқда.

1949 йилдан бери МТСларда тракторларнинг сони 98 процент, ҳархил қишлоқ хўжалик машиналарининг сони 2 баравар кўпайди. Шу блан бирга, МТСлардаги машиналарнинг сифати ҳам анча яхшиланди. Гусеницали тракторларнинг сони 3 баравардан зиёдроқ кўпайди, МТСлар анча мукаммаллашган янги плуглар, сеялкалар, культиваторлар ва бошқа машиналар олдилар. Шу даврнинг ичида пахта етиштиришга сарф бўлаётган меҳнат камайган бўлсада, лекин буни сра етарлик деб бўлмайди. Ҳарбир тонна пахта учун сарфланаётган меҳнат кунлари фақат 27 процент камайтирилди, я'ни 159 меҳнат куни ўрнига 116 меҳнат сарфланадиган бўлди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги якунларнинг мана шундай мутлақо қониқарсиз эканлигига сабаб шуки, бизда механизациялашни ривожлантириш фақат иш ҳажмини кўпайтириш ва трактор блан қилинаётган ишларнинг сонини ошириш йўли блан борди ва кўл меҳнати блан бажариладиган ишлар, я'ни ғўзани яганалаш, чеканка қилиш ва пахта териш ишларини механизациялаш мутлақо етарлик бўлмади.

Колхозларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши секинлик блан борганлигининг сабаби яна шуки, ишни ташкил қилишда, меҳнатни ҳисобга олишда ва меҳнатга ҳақ тўлашда жиддий камчиликлар бор. Кўпгина колхозларнинг раҳбарлари меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланишга бегамлик блан қарамоқдалар.

Масалан, Фрун

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва 1956 йилда пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш вазифалари

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўртоқ Н. А. МУҲИДДИНОВНИНГ Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида 1955 йил 20 декабрьда қилган доклади

1956 йилнинг ўзидаёқ ҳарқайси районда 2—3 колхозда пахта етиштириш ва уни терib олиш ишларининг ҳаммасини тўла равишда комплекс механизациялашга ўтиш керак, токи 1957 йилда камида 800 минг гектар майдондаги, 1958 йилда ҳамма колхозларнинг пахта майдонидаги ишлар тўла равишда комплекс механизациялаштирилсин.

Совхозларда келгуси йилда пахта майдонининг ярмисидаги ишларни, 1957 йилда эса бутун пахта майдонидаги ишларни комплекс механизациялаш керак.

Трактор бригадалари блан далачилик бригадаларининг ишларини бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш МТСларнинг ҳам, колхозларнинг ҳам ишларини яхшилаш учун катта аҳамиятга эга. Шу вақтгача биз қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш соҳасида белгиланган планларнинг бажарилиши учун трактор бригадасининг ҳам, шунингдек далачилик бригаласининг ҳам тўла равишда жавобгар бўлишига эришганимиз йўқ. Машина-трактор станцияларининг ишларидаги асосий камчилик мана шундадир.

Машина-трактор станцияларининг ишларини янада яхшилашга ва уларнинг колхозлардаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарлигини оширишга тўсқинлиқ қилаётган сабабларнинг бири шуки, МТСлар ўзларининг иқтисодий имкониятларидан тузук фойдаланмаётирлар ва уларнинг молия хўжалигини ташкил қилишда жиддий камчиликлар бор. Машина-трактор станцияларини бюджетдан маблағ блан та'минлашнинг амалдаги системаси ҳозирги вақтдаги ўсган талабларга жавоб бермайди ва колхозларда маҳсулот етиштиришни кўпайтирмоқ учун МТСлардаги бор ресурсларнинг ҳаммасини сафарбар қилишга ёрдам бермайди.

Машина-трактор станцияларининг хўжалигини хўжалик ҳисоби асосида ташкил этиш пайти келганлиги аниқ бўлиб қолди. Хўжалик ҳисоби машина-трактор станцияларининг ходимларини ишлабчиқаришни тағин ҳам рационалроқ асосда олиб боришга, ички резерврларни топиб, бу резервлардан тўлароқ фойдаланишга, техникадан унумлироқ фойдаланишга, натура ҳақининг ҳарбир центнерига қилинаётган сарфни систематик равишда камайтиришга мажбур қилади. Машина-трактор станцияларини хўжалик ҳисобига кўчириш Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органларидан катта тайёргарлиқ ишларини олиб боришларини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда бу иш қилинабошлади. Биринчи навбатда, тажриба тариқасида, Фарғона областидаги машина-трактор станциялари хўжалик ҳисобига кўчирилади. Бу машина-трактор станцияларининг бутун йил бўйи хўжалик ҳисоби асосида қилган ишлари ва бу соҳада эришган тажрибалари якунланиб, республикадаги ҳамма машина-трактор станцияларини хўжалик ҳисобига ўтказиш масаласи ҳал қилинади.

* * *

Суғориладиган деҳончилик шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш сув хўжалигига алоҳида э'тибор беришни талаб қилади. Суғориладиган ерларни яна кенгайтирмасдан туриб, алмашлаб экишни жорий қилолмаймиз. Қишлоқ хўжалик экинларидан ва аниқса пахтадан муттасил мўл ҳосил олмоқ учун алмашлаб экишни жорий қилиш жуда ҳам зарур. Пахта, ем-хашак экинлари экиладиган ер майдонини, боғ ва токзорларни, картошка ва сабзавот экиладиган ерларни ҳам янада кенгайтиришимиз лозим. Бунинг учун ҳам янги суғориладиган ерлар керак бўлади.

Лекин суғориладиган ерларни кенгайтириш ва ўзлаштирилган ерларни сув блан та'минлашни яхшилашнинг ўзигина кифоя қилмайди. Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун шу ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш жуда муҳимдир. Бухоро, Хоразм областъларида ва Қорақалпоғистонда, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ва Самарқанд областъларининг айрим районларида суғориладиган ерларнинг анчагина қисми мелиоратив жиҳатдан қониқарли аҳволда эмас. Бу эса, ҳосилдорликни оширишга катта тўсқин бўлмоқда.

Бирқанча сув манба'ларимизда сувнинг камлиги ирригация системаларида сувнинг нобуд бўлишига қарши курашни кучайтиришга бизни мажбур қилади. Шунингдек экиларни суғормоқ учун ерости сувларидан фойдаланиш, экиларни суғоришнинг янги машиналаштирилган усулларини жорий қилиш ва шўр босган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш керак.

Шундай қилиб, сув хўжалиги қурилишини яхшилаш биз учун жуда ҳам зарур ишдир.

Аммо, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг республикада бажариладиган сув хўжалиги ишлари программасини белгилаб берган 1954 йил 11 февральдаги қарори қониқарсиз бажарилмоқда. 1953—1955 йилларда 255 минг гектар янги ва бўз ерларни ўзлаштириш керак эди. Ҳақиқатда эса, шу муддат ичида фақат 137 минг гектар ерга сув чиқарилди ва ўзлаштирилди. Сув хўжалиги қурилиши плани кейнинги 2 йил мобайнида фақат 63 процент бажарилди. 286 минг гектар ернинг мелиорация ҳолати яхшиланди. Бошқача қилиб айтганда, мелиорация ҳолати ёмон бўлган бутун ер майдонининг фақат 27 процентидагина мелиорация ишлари ўтказилди.

Суғориш системаларини реконструкция қилиш ва майда сув хўжалиги қурилиши соҳасидаги ишлар яхши олиб боримаётир, бу эса сув ресурсларидан самарали фойдаланишга халақит бермоқда ва қишлоқ хўжалик экинларини суғоришни мураккаблаштирмоқда.

Биз сув хўжалиги қурилиши масалаларига э'тиборни айниқса кучайтиришимиз зарур.

Халқ хўжалиги планига ва колхозларнинг ўзлари ишлаб чиққан тадбирларга мувофиқ, 1956 йилда 44 минг гектар, 1957 йилда 68 минг гектар ва 1958 йилда 100 минг гектардан кўпроқ янги ва бўз ерларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Икки йил ичида яна 200 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилади.

Бу эса, Сув хўжалиги министрлигининг ишларини тубдан яхшилашни талаб қилади. Сув хўжалиги қурилишидаги ишларни индустриал методлар блан бажаришга ўтиш, малакали кадрлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш ва бу кадрлардан тўла фойдаланиш, қурилиш об'ектларини проект-смета хужжатлари блан ўз вақтида ва нормал равишда та'минлаб туриш, маблағ ва материаллар блан та'минлашни яхшилаш, шунингдек сув манба'ларидан фойдаланиш ишларини яхшилаш гоят зарур.

Область ва район партия ҳамда совет ташкилотлари сув хўжалиги қурилиши ишлари блан систематик равишда шуғулланишлари, янги сув хўжалиги об'ектларини ва суғориладиган ерларни ишга туширишни планини бажаришни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг ажралмас ва муҳим қисми деб ҳисоблаб, бу ишларга катта э'тибор беришлари лозим.

* * *

Республика колхозлари ва совхозлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети январь Пленуми тарихий қарорини бажариш учун курашиб, бу йил чорвачиликни ривожлантиришда бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Колхозларда ва совхозларда 1954 йилда 67 минг тонна сут соғиб олинган бўлса, 1955 йилда 120 минг тонна сут соғиб олинди. Шунингдек гўшт, тухум етиштириш ҳам кўпайди.

1955 йилнинг якунлари шу нарсани яна бир марта та'кидладики, бир хўжалигининг ўзида пахтачилик блан чорвачиликни бир-бирига яхши боғлаб олиб бориш мумкин ва пахта ҳосилини оширишнинг ўзигина кураш олиб борган тақдирда ҳам чорвачиликни муваффақиятли равишда ривожлантирмоқ учун ем-хашакни мўл-кўл қилиб тайёрлаш ва шу асосда чорвачилик маҳсулотини анча кўпайтиришга эришиш мумкин.

Янгийўл районининг колхозлари ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта ҳосили олдилар ва ўрта ҳисоб блан ҳарбир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдорини бир йил ичида 565 килограмм кўпайтириб, 1302 килограммга етказдилар. Оржоникидзе районидаги колхозлар ҳам ҳар гектар ердан 32,5 центнердан пахта топшириб, сут етиштиришни кўпайтирдилар ва ўрта ҳисоб блан ҳарбир сигирдан 1622 килограмм сут соғиб олдилар.

Тўрақўрғон, Учқўрғон, Ленин, Пахтаобод, Чиноз районларидаги ва бошқа районлардаги колхозлар ҳарбир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдорини 2—3 баравар кўпайтирдилар.

Сут берадиган чорвачилик кўпгина колхозларда сермаҳсул ва сердаромад бўлиб қолди.

Бироқ республикада сут етиштириш ҳали ҳам жуда паст даражада қолиб келмоқда. Колхозларда ва совхозларда сигирларни боқиш ва асрашни анча яхшилаш блан бирқаторда уларнинг зотини яхшилаш ва чорва моллар орасида сигирларнинг салмоғини кўпайтириш блан жиддий шуғулланганимизгатина сут етиштиришни анча кўпайтиришимиз мумкин.

Ба'зи колхозларнинг раҳбарлари четдан сигир сотиб олиш йўли блан бу аҳволни тўғрилашга уринмоқдалар, аммо колхоз фермаларининг ўзида сигирларни урчитиб кўпайтириш ва уларнинг зотини яхшилаш блан шуғулланмаётирлар. Кейинги йилларда кўпгина колхозлар зотли буқалар сотиб олдилар. Шу буқалардан тўла фойдаланиб, уларнинг наслини тўғри ўстирсак, бу блан биз ҳар йил зоти яхшиланган қорамоллар сонини 60 минг бош кўпайтираоламиз. Бу эса якин келгусида республикадаги ҳамма фермаларда сермаҳсул, серёғ сут берадиган ҳамда маҳаллий шароитга кўниккан чорва моллар бўлишини та'минлайди. Бушуевский зотидан бўлган чорва молларни кўпайтиришни такомиллаштиришга алоҳида э'тибор беришимиз лозим.

Сигирларнинг сутини кўпайтирмоқ ва сермаҳсул зотли бузоқ ва гунажинлар етиштирмоқ учун бузоқларни эмизиб боқиш усулидан қат'иян воз кечиш ва бу йил сигирлар бузоқлайдиган даврда, я'ни февраль-март ойларида янги туғилган бузоқларнинг ҳаммасини қўлда сут бериб боқиш усулига ўтиш зарур. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб фермаларда сутдан чиққан сигирларни ва гунажинларни боқиш ва асрашни яхшилаб ташкил қилиш керак. Бу эса сигирлар бузоқлагандан кейин уларнинг сут беришини кўпайтиради ва сут блан боқиладиган бузоқларни яхши сут блан та'минлайди.

Ҳозир вазифа шуки, 1956 йилда колхозлардаги сигирларнинг сонини 240 мингга етказиш ёки сигирларнинг сонини ҳозирги вақтдагига қараганда 40 минг бош кўпайтириш ҳамда 173 минг тонна сут соғиб олишни та'минлаш керак.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш ҳам жуда муҳим вазифадир. Республикада етиштирилаётган гўштнинг 55 процента мол гўшти, 43 процента қўй гўштидир. Чўчқа ва парранда гўшти эса бутун республикада етиштирилаётган гўштнинг 1 процентидан камроғини ташкил қилади.

Ма'лумки, чўчқачилик чорвачиликнинг сертовар ва сердаромад тармоғидир. Бизда чўчқачиликни ривожлантиришда тузуккина тажрибалар бор. Олтинкўл районидаги «Коминтерн» колхози, Избоскан районидаги «XIX Партс'езд» колхози, Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз жуда кўп чўчқани бўрдоқи қилиб боқмоқда. Шу колхозлар топшираётган гўштнинг қарийб 80 проценти чўчқа гўштидир.

Колхозлар ва совхозларда паррандачиликни ривожлантиришга жуда кам э'тибор берилмоқда.

Хўкизчалар ва ахта қўчқорларни сўйиш учун махсус семиртириш ҳамда браккка чиқарилган чорва молларни боқиб бўрдоқи қилиш ишларини ташкил этиш — гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир.

Колхозларда ва совхозларда 1956 йилда 150 минг тонна гўшт етиштириш вазифасини ҳаддаламоқ учун мана шу резервларнинг ҳаммасидан фойдаланиш зарур.

Гарчи биз жун етиштириш планини бажарган бўлсак ҳам, лекин ҳарбир юз гектар ерга ҳисоблаганда колхозларнинг перспектив планларида жун етиштириш соҳасида белгиланган даражага ҳали эришганимиз йўқ. Ўзбекистон фақат дағал қўй жуни бермоқда. Бу йил республикада майин жунли қўйчиликни ривожлантириш соҳасида биринчи қадамлар қўйилди. Биз республикага 2500 бош майин жунли қўчқор келтирдик ва бу қўчқорлардан 100 минг совлиқ қўйни қочирдик. Айрим колхозлар бу ишга жиддий қарадилар ва сун'ий урчитишни яхши ташкил қилдилар. Қорақишлоқ районидаги Каганович номли колхозда 1443 думбали совлиқ, шу районнинг Сталин номли колхозида 1400 совлиқ қўй, Поп районининг Каганович номли колхозида 1300 думбалик совлиқ қўй сун'ий қочирилди.

Шу колхозларда, Ленин номидаги зотли моллар совхозида, 76-нчи от заводида майин жунли ва яриммайин жунли қўйлар етиштириш соҳасида эришилган яхши тажрибалар бизнинг шароитимизда майин жунли қўйчиликни муваффақиятли равишда ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистон—қорақўл қўйларининг ватанидир, қорақўл терларини етиштириб беручи асосий район ва қорақўлчиликнинг яхши зотларини кўпайтирадиган базасидир. Республика колхозлари ва совхозлари 1955 йилда қорақўл қўйларининг сонини 166 минг бош кўпайтирдилар.

Бу йил қорақўл қўйларининг қишловини намунали ўтказиш, совлиқ қўйларни нобуд қилмай сақлаб қолиш ва уларни қўзилатишга ўз вақтида тайёрлаш—қорақўлчилик соҳасидаги жиддий вазифадир. Бу йил яйловларда ўт яхши ўсмаганлиги сабабли қўйларни ем-хашак блан та'минлаш учун ҳамма чораларни кўриш ва қўйларнинг аҳволини муттасил контроль қилиб туришни ташкил этиш зарур.

Республикада чорвачиликнинг ем-хашак базаси ҳали ҳам қониқарсиз аҳвода қолиб келмоқда. Қорақўл қўйлари асосан чўл ва яримчўл яйловларнинг ўти блан та'минланмоқда. Бизда бундай ерлар 32 миллион гектар ҳисобланади. Аммо сув етарлик бўлмаганлиги сабабли бу ерларнинг фақат 13 миллион гектардангина фойдаланилмоқда. Бундай чўлларда қудуқлар қазиб, улардан фойдаланиш ҳисобига чўлдаги яйловларнинг территорияси ҳар йил фақат 4—5 процент кенгайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва маҳаллий органлар бу иш блан жуда кам шуғулланаётирлар.

Маккажўхори экиш анча кенгайтирилганлиги туфайли республикада силос тайёрлаш бирмунча кўпайтирилди. Ўтган йил колхозларда фақат 31 минг тонна силос бостирилган бўлса, бу йил 535 минг тонна силос бостирилди. Бироқ, бун ҳам қониқарли деб бўлмайди. Республикада ўрта ҳисоб блан ҳарбир сигирга фақат 2,7 тоннадан силос бостирилди. Кўп колхозлар маккажўхоридан юқори ҳосил олдилар, шу блан бирга айрим колхозлар ўзларининг силос бостириш планларини бажармадилар. Чунки бундай колхозларда маккажўхори экиш учун ёмон ерлар ажратилди, маккажўхори кечикиб экилди, қатор ораларини ишлаш ва суғориш ўз вақтида ўтказилмади, маккажўхори экилган ерлар мутлақо ўғитланмади.

Ўзбекистонда қадимдан экилиб келган оқжўхори сингари озуқа экинига етарлиқ аҳамият берилмаганлиги силос ва концентратлар етиштиришда йўл қўйилган жиддий хато бўлди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1909 йилда 70 минг гектар ерга маккажўхори ва 130 минг гектар ерга оқжўхори — бу экинлар ҳаммаси бўлиб 200 минг гектар ерга экилган эди. 1954 йилда эса атиги 10 минг гектар ерга маккажўхори ва оқжўхори экилди. Оқжўхори дони чорва моллар учун жуда яхши овқат бўлади. Шўр босган, ерости сувлари юза бўлган ерларда, я'ни Қорақалпоғистонда, Хоразмда, Бухоро областида, Марказий Фарғонада оқжўхори силосбоп поя бериш ва дон ҳосили бериш жиҳатидан ҳам бошқа ем-хашак экиларининг ҳаммасидан анча устун туради. Оқжўхорининг дони пишган вақтда ҳам унинг пояси ва барглари кўмкўк бўлиб турaверади, яна бунинг устига унинг поясида шакар моддаси ҳам кўп бўлади. Шунинг учун оқжўхори поясидан жуда яхши силос қилса бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитида маккажўхори блан оқжўхори яхши ўсади, бир-бирини тўлдиради ва мўл ҳосил беради. Шу сабабли, тупроқ, иқлим шароитларига ҳамда сув шароитига қараб маккажўхори ва оқжўхори экишни зоналар бўйича районлаштириш керак. Маккажўхори ва оқжўхорининг энг серҳосил сортларини кўпайтирмоқ учун уларнинг уруғлигини кўп етиштириш чораларини кўриш зарур.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг гибрид оқжўхори етиштириш соҳасида ўтказган тажрибаларига жиддий э'тибор бериш керак. Бу институтнинг тажриба далаларида ўстирилган оқжўхори поясининг бўйи 6 метрдан ошади. Бу оқжўхорининг ҳарбир гектаридан 1200—1500 центнер силосбоп поя олиш мумкин.

Ма'лумки, гибрид маккажўхори уруғини экканда унинг ҳосили 30—40% ошади. 1956 йилда республика колхозлари ва совхозларида гибрид маккажўхори уруғлиги ва сортли оқжўхори уруғлигини етиштирадиган хўжаликлар ташкил этиш керак.

Маккажўхори ва оқжўхоридан яхши ҳосил олмоқ учун бу экинларни катта яхлит ерларга экиш керак. Шундай қилганда пахта сингари маккажўхори ва оқжўхори экилган ерларни ҳам яхшилаб суғориш ва бу экинларнинг қатор ораларини машина блан ишлаш та'минланади.

Ҳозирги вақтда республикадаги колхозларда 322 минг гектар бедапоя бор. Планга кўра, 1956 йилда колхозлар беда майдонларини 432 минг гектарга етказишлари керак. Бедага парвосизлик блан қараш оқибатларини тезроқ тугатиш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун катта аҳамияти бўлган бедапояларни кўпайтириб, намунали ҳолга келтириш керак.

Республиканинг кўпгина районларида сигирлар фақат беда блан боқилади. Лекин бедадан фақат хашак олиш мумкин, аммо сут ва гўшт олиш учун боқилаётган чорвачиликни фақат хашакнинг ўзи блангина тез ривожлантириб бўлмайди, чунки чорва молларга хашакдан ташқари ширали ва концентрат озуқалар ҳам керак. Пахтани алмашлаб экишда маккажўхорига ва оқжўхорига беда блан бирликда ўзига муносиб ўрин берилган тақдирда, бу экинлардан хашак ҳам, концентрат озуқалар ҳам, ширали ўт ҳам, хуллас гўшт ва сут етиштириш учун керак бўлган озуқаларнинг ҳаммасини олиш мумкин бўлади.

Республика колхозлари ва совхозлари ўзларининг 1956 йил учун мўлжалланган тадбирларида 200 минг гектарга яқин ерга маккажўхори ва оқжўхори экишни, бундан ташқари, бедапояларни 100 минг гектар миқдорида кўпайтиришни мўлжалладилар. Аммо бунинг учун бизда етарлик сувли ерлар ҳозирча йўқ.

Хўш, энди нима қилиш керак?

Бунинг учун пахта-беда алмашлаб экиш далаларида маккажўхори ва оқжўхори экиш учун ер ажратиш керак. Пахтани алмашлаб экишда маккажўхори ва оқжўхорини ҳам жорий қилишнинг жуда катта иқтисодий аҳамияти борлигини қўйидаги мисолдан билиб олиш мумкин. Октябрь районидаги Киров номли колхозда бирйўла тўртта участкада тўққиздалали алмашлаб экиш жорий қилинди. Бунда уч далага беда ва олти далага пахта экилди. 1956 йилдаги алмашлаб экиш даврининг планига мувофиқ, алмашлаб экишнинг ҳамма далаларида бедапоялар 365 гектарни ташкил қилиши лозим. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, агар шу колхозда 1956 йилда экилмоқчи бўлган беда блан бирга маккажўхори ва оқжўхори экилса, бу алмашлаб экиш далаларидан олинадиган ем-хашак бирнеча марта кўпаяр экан. Бунинг натижасида, айниқса колхоз хашак блан бирга концентрат ва ширали ўтларга ҳам эга бўлади. Бу йил СоюзНИХИ ва республика Қишлоқ хўжалик министрлиги пахта блан маккажўхорини ва оқжўхорини алмашлаб экишни жорий қилиш тажрибаларини ўтказдилар ва яхши натижаларга эга бўлдилар.

Пахта-беда алмашлаб экишига маккажўхорини жорий қилишнинг икки варианти бор. Биринчи вариант шундан иборат: пахта алмашлаб экиш майдонида бу йил беда сепилдиган далага кўкламда маккажўхори ёки оқжўхори экилади, маккажўхори ёки оқжўхори ҳосили йиғиштириб олингандан кейин, шу даланинг ўзига кейинроқ, я'ни 20 августгача беда сепилади.

Иккинчи вариант: шу даланинг ўзига кўкламда маккажўхори ёки оқжўхори экиладию, аммо беда уруғи шу экинларнинг қатор ораларига июнь ойида сепилади. Лекин бунинг учун маккажўхори ёки оқжўхори албатта квадрат-уялаб экилиши, яхшиси 60х60 сантиметр схемаси блан экилиши шарт. Ана шунда июнь ойида маккажўхори қатор ораларига сепилган беда ўсиб чиққанида у соядa қолмайди ва яхши ўсади.

Маккажўхори ва оқжўхори ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бедани 1—2 марта ўриб олиш мумкин. Иккинчи вариантни турли ишлабчиқариш шароитларида синчиклаб ўрганиш керак.

Пахта-беда алмашлаб экишга маккажўхори ёки оқжўхорини жорий қилишнинг катта аҳамияти бор. Биз бу блан иккита муҳим масалани ҳал қиламиз: тупроқнинг унумдорлигини оширамиз ва бедачиликни ривожлантириш манфаатларига зарар етказмай, ширали ўт ва концентрат озуқалар етиштиришни кўпайтирмоқ учун реал базага эга бўламиз.

Бизнинг бу кенгашимизда шу масалани ҳартомонлама муҳокама қилиб, фикр олишсак ва шу тариқа 1956 йилда республика колхозларида ва совхозларида пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экишни қат'ий равишда жорий қилиш йўлларини белгилаб олсак, жуда яхши иш қилган бўлур эдик.

* * *

Ипакчиликни янада ривожлантириш, каноп ва жут етиштиришни кўпайтириш, бодорчилик ва токзорчиликни тиклаш ва янада ривожлантириш, шунингдек дон хўжалигини юксалтириш юзасидан республика олдига катта вазифалар қўйилган. Биз республика колхозлари хўжалигида катта роль ўйновчи бу тармоқларга э'тиборни кучайтиришимиз лозим.

* * *

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари блан та'минлашни яхшилаш учун картошка ва сабзавотнинг аҳамияти катта. Ўзбекистоннинг тупроқ—иқлим шароити бу муҳим озиқ-овқат экинларидан мўл ҳосил олишни та'минлайди. Лекин биз картошка ва сабзавот экинларидан жуда кам ҳосил олмоқдамиз. Картошка ва сабзавот тайёрлаш ва закупка қилиш планларини ҳар йил бажараётган бўлсак ҳам, лекин шаҳарлардаги аҳолининг картошка ва сабзавотга бўлган эҳтиёжини етарлик даражада та'минламаётирмиз. Бу камчиликни шаҳар меҳнаткашлари неча қайталаб ва ҳақли равишда бизга айтмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг бу тармоғига биз етарлик э'тибор бермаётирмиз. Бунинг натижасида ҳар йили Ўзбекистонга бирнеча ўн минг тонналаб озиқ-овқат ва уруғлик учун картошка ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдамиз. Қишлоқ хўжалигининг бу тармоғи бизда орқада қолаётганлиги тўғрисида кўп гапирилди, кўпгина қарорлар қабул қилинди. Биз аҳолини картошка ва сабзавот блан та'минлашни яхшилаш тўғрисида неча марталаб халққа ва'да бердик, лекин шундай бўлса ҳам 1955 йилда эришган натижаларимиз қониқарли бўлмади. Бу йил картошка ва сабзавотдан олинган илғи ҳосил планнинг 60—70 процентини ташкил қилади, 1956 йилда экиш учун картошка уруғлиги етишмайди.

Дуруст, ёздаги қаттиқ иссиқ ва эрта кузда бирданига бошланган совуқлар картошка ҳосилига ёмон та'сир қилди, аммо шундай шароитда ҳам тузук ҳосил олиш мумкин эди. Бунинг Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг иш натижалари кўрсатиб турибди. Бу колхоз шу йилги шароитда ҳам ҳарбир гектардан 12 тоннадан картошка олди. Комсомол районидаги Ленин номли ва Горький номли колхозлар, Сўх районидаги «Коммуна» ва Ворошилов номли колхозлар сабзавот экинларидан ҳар йили яхши ҳосил олмоқдалар.

Кўпчилик колхозларда картошка ва сабзавотдан кам ҳосил олинганлигига сабаб шу бўлдики, бу экинлар кечикиб экилди. Ўз вақтида ва яхши сифатли парвариш қилинмади ва суғорилмади, кўп ерларда кўчатлар сийрак бўлди. Аҳолини сабзавот ва картошка блан та'минлашда вужудга келган қониқарсиз аҳволга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети айбдидир. Биз бундан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқариб олишимиз ва хўжаликнинг бу тармоғидаги ишни тубдан яхшилашимиз лозим.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев**—Сизларда картошка суғориладиган ерлар экиладими?

Ўртоқ **Н. Муҳиддинов**—Ҳа, суғориладиган ерларга экилади.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев**—Агар шоли блан картошкани олиб қарасак, эҳтимол шоли фойдалироқдир?

Ўртоқ **Н. Муҳиддинов**—Биз республика бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 10—12 тониалан картошка олаётирмиз. Ўзбекистон шароитида бир гектар ердаги шолини парвариш қилиш учун кўпи блан 70 меҳнат куни сарфлаб, 30—35 центнердан ҳосил оламиз.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев**—Қуруқ моддалик жиҳатидан қараганда, шоли кўп эканда?

Ўртоқ **Н. Муҳиддинов**—Ҳа, кўп. Шубҳасиз, Ўзбекистон шароитида шоли экиш фойдалидир, лекин шоли экишни қат'иян районлаштириш, ерларни ботқоқлантириб юбормаслик ва безгак ўчоқлари бўлишига йўл қўймаслик учун уни зоналар бўйича экиш керак.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев**—Афтидан шоли экишга жон деб кўчишса керак. Чунки, шоли экиш фойдалидир. Ундай бўлса картошка экишга мажбур этмайлик.

Ўртоқ **Н. Муҳиддинов**—У ҳолда шоли экиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва бу таклифларни КПСС МК ва СССР Министрлар Совети муҳокамасига киритишимизга рухсат берсангиз.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев** — Буерда шолиқорликни ривожлантириш учун картошкани бошқа ёқлардан ҳам келтириш мумкин **(қарсаклар)**. Буерда, ахир, паловни жуда яхши кўришади-ку. **(Қарсаклар)**.

* * *

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш учун олиб бораётган курашимизда илмий муассасалар ва илмий ходимларнинг жуда кўп сонли коллективлари катта ўрин олишлари лозим.

Бироқ, илмий-текшириш ишлари, айниқса илғор методларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва колхоз ҳамда совхоз ишлабчиқаришига жорий қилиш ишлари жуда орқада қолмоқда.

Пахтанинг янги сортларини етиштириш сингари муҳим масалани олиб кўрайлик. 1947 йилдан бери деярлик ҳамма районларда асосан битта сорт, я'ни 108-Ф сортидан бўлган чигит экилмоқда. Бу сортнинг ўзи ёмон эмас, лекин у республикамиздаги хилма-хил иқлим шароитларининг ҳаммасига мос келавермайди. Бизда бирнеча сорт бўлиши керак эди.

Орадан 8 йил ўтди, аммо янги ва яхши натижа берадиган сортларга ҳали ҳам эга эмасмиз. Кейинги беш йил мобайнида пахтанинг элликта янги сорти синаб кўрилди ва шулардан фақат учта сортгина синовда яхши натижалар берди ва яроқли деб топилди.

Колхоз ва совхозлар селекциячилардан серҳосил 108-Ф сортига қараганда лоақал 8—10 кун олдин очиладиган, қатор ораларини машина блан ишлашга moслаштирилган, юксак технология сифатларига эга бўлган яни серҳосил ва тез пишар сортлар етиштириб беришни талаб қилишга ҳақлидирлар ва улар ҳақиқатан ҳам буни талаб қилмоқдалар.

Пахта зараркунандаларига қарши кураш олиб боришда кўп йиллардан бери бирхил дори ишлатилиб келинмоқда, аммо бу дорилар унчалик яхши натижа бермаётир. Фанлар академиясининг тегишли институтлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунанда ва касалликларига қарши курашда яхши натижалар берадиган дориларни топиб беришлари керак.

Буерда шуни айтиш керакки, Иттифоқ Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳам, айниқса Иттифоқ Химия саноати министрлиги ҳам қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда яхши натижалар берадиган заҳарли дорилар тайёрлаб бериш учун етарлик чора ва тадбир кўрмаётирлар.

Пахтанинг энг ёвуз душмани бўлган ўргимчакканага қарши кураш соҳасида бу йил республикада меркаптафос деб аталган янги дори кенг равишда ишлатилди. Текшириш шуни кўрсатдики, ҳар гектар ғўзага шу доридан ёз вақтида 2—4 килограммни бир-икки марта сепган вақтда бу дори ўргимчакканани бутунлай йўқотиб юборар экан.

Биз Иттифоқ министрликларидан бу дорини кўплаб ишлаб чиқаришни илтимос қилган эдик, аммо бу масала ҳал бўлмаётир.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг экономикасига доир илмий ишларга, айниқса меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини камайтириш масалаларига доир илмий ишлар бизда жуда орқада қолиб кетмоқда.

Бунинг учун илмий муассасалар ва аввало Фанлар Академияси, Союз НИХИ ҳамда суғориладиган ерлардаги деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш институти айбдидир.

Биз бу соҳадаги камчиликни тузатишимиз керак. Илмий-текшириш муассасалари колхозларга ва совхозларга хўжаликни рационал равишда бошқариш тўғрисида тегишли тавсиялар беришлари лозим. Бу соҳадаги аҳволни колхозлардаги кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш йўли блан ҳам яхшилаш керак, токи колхозларнинг ўзида ишлабчиқаришни тўғри планлаштириш ва ташкил этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш мумкин бўлсин.

Илгариги кенгашда қишлоқларимизнинг аҳволи, колхозларда ишлабчиқариш ва уй-жой бинолари қуриш қониқарсиз боралётганлиги жиддий танқид қилинган эди.

Бу соҳада бирмунча ишлар қилинди: 1600 дан кўпроқ чорвачилик бинолари ва 800 минг тонна силос сиғаладиган силос иншоотлари, колхозчилар учун 10 мингга яқин янги уй, 200 мактаб, 200 дан кўпроқ болалар муассасалари, 100 та медицина пункти, 25 та ҳаммом ва бошқа бинолар қурилди. Бу соҳада Шаҳрисабз, Янгийўл ва Охунбобоев районининг колхозлари яхши натижаларга эгадирлар.

Бироқ, бу соҳада эришилган натижаларни фақат дастлабки қадамлар деб ҳисоблаб, ишлаш керак. Ҳарбир колхозда шу колхознинг пул маблағига ва моддий имкониятларига қараб қурилиш ва ободончилик ишларининг 2—3 йилга мўлжалланган махсус планларини ишлаб чиқсак яхши бўлур эди. Колхозларга ободончилик ва қурилиш ишларини авж олдиришга кенг ва ҳартомонлама ёрдам кўрсатиш керак. Жумладан, архитекторлар ва проектчилар колхозларни колхоз посёлкаларининг генерал планлари ва тежамли типовой проектлар блан яқин вақт ичида та'минлашлари лозим.

Ёғоч, цемент, томга ёпадиган материаллар блан колхозларни та'минлаш ҳали ҳам етарли даражада эмас. Шунинг учун маҳаллий бинокорлик материалларидан кенг фойдаланиш керак. Жумладан, ҳарбир колхозда 2—3 гектар ерни теразкор қилиб қўйиш лозим. Бу теразкорлар 5—6 йилдан кейин қурилишларнинг эҳтиёжини та'минлайдиган бўлиб қолади.

Колхозлар гишт, черепица, қамишит плиталар ва бошқа маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга киришмоқлари лозим. Бундай корхоналарни бирнеча колхоз биргаликда ташкил қилиши ва бу ёрдамчи корхоналарни қуришда проектлаш ташкилотлари ҳамда давлат саноати корхоналари албатта техника ёрдами беришлари лозим. Матлубот кооперацияси йўли блан ёғоч, тахта, цемент ва бошқа бинокорлик материаллари сотишни тартибга солиш ва жиддий равишда яхшилаш керак.

Етарли миқдорда бўлинмас фондлари ва маблағлари бўлган кўпгина колхозлар шу маблағларнинг бир қисмидан янги ерларни ўзлаштирмоқ, каналлар қурмоқ, колхозлараро электростанциялар, йўллар, кўприклар қурмоқ учун, шунингдек уй-жой бинолари, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар қурмоқ ва қишлоқларни обод қилмоқ учун фойдаланиб жуда тўғри иш қилмоқдалар. Колхозларнинг бундай ташаббусини ҳартомонлама қўллаб-қувватлашимиз керак. Бу ишларда хўжалик ва молия органлари ҳеҳқандай тўсқинлиқ қилмасдан, балки колхозларга ҳартомонлама ёрдам беришлари зарур.

* * *

Колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг раҳбар кадрлари қишлоқ хўжалик ишлабчиқа

Ўртоқ Н. А. МУҲИДДИНОВ докладининг охири

(БОШИ ИККИ ВА УЧИНЧИ БЕТЛАРДА).

Ишнинг кўзини биладиган мана шу усталарнинг ва бошқа кўпгина усталарнинг илғор тажрибасини ўрганишимиз, умумлаштиришимиз ва бошқаларга ёйишимиз мутлақо етарлик эмаслиги бизнинг ташкилий ва пропаганда ишларимиздаги жиддий камчиликдир. Бизнинг пропагандистларимиз, агитаторларимиз, радио, газеталарда ишловчи ходимларимиз, адабиёт ва сан'ат арбоблари практикани, илғорларимизнинг иш методларини чуқур ўрганиб, уларнинг мана шу ажойиб тажрибаларини умумлаштириш ва ёйишда партия органларига ёрдам берсалар ва бу ажойиб тажрибаларни халқ орасига ёйсалар жуда яхши иш қилган ва шу асосда ишлабчиқаришни ёппасига юксалтиришга эришган бўлур эдилар.

Бизнинг яна катта бир камчилигимиз шуки, районларда, областларда ва республикада қишлоқ хўжалик виставкалари ўтказиш, шунингдек илғор колхозларга экскурсиялар ташкил этиш сингари ишлар блан шуғулланмаётирмиз ва илғорлар тажрибасини ёйишнинг мана шу муҳим участкасига лозим бўлган даражада э'тибор бермаётирмиз. Биз бу катта камчиликни тузатишимиз керак.

Қиш мавсумида областларда, агар имконият бўлса районларда ҳам, қишлоқ хўжалик виставкалари ташкил қилиш ва илғор хўжаликларнинг муваффақиятларини мана шу виставкаларда яққол кўрсатиб кўпчиликка ма'лум қилиш керак. Келгуси йилнинг охирида республикада доимий қишлоқ хўжалик виставкаси барпо қилишни ўз олимизга вазифа қилиб қўйишимиз лозим. Бутуниттифоқ ва республика қишлоқ хўжалик виставкаларида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун кенг социалистик мусобақани авж олдириб юборишимиз керак.

Уч йиллик агрозоотехника курслари илғор тажрибани эгаллашнинг ва қишлоқ хўжалик фанларини ўрганишнинг энг муҳум воситасидир. Броқ Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органлари бу ишга бепарволик блан қараётганликлари, шунингдек маҳаллий партия ва Совет ташкилотлари етарли э'тибор бермаётганликлари натижасида республикамизда агрозоотехника ўқуви йўлга қўйилгани йўқ.

Қишлоқ хўжалигига ташкилий раҳбарлик қилишдаги камчилик шундан иборатки, биз бу ишда формализмга, колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг ҳарбир майдачуйда ишларига ҳам аралашавериш ҳолларига ҳали хотима берганимиз йўқ. Область, район, ба'зан эса республика ташкилотлари ҳам агротехника тадбирларини ўтказишда ма'муриятчиликка ва шаблонга йўл қўймоқдалар.

Бу йил биз кишиларнинг ташаббусини кучайтиришда, маҳаллий об-ҳаво, иқлим шароитларига ва бошқа шароитларга қараб, масалаларни анча мустақиллик блан ҳал қилиш имкониятини беришда бирмунча тадбирлар кўрдик. Бизнинг бу тадбирларимиз яхши натижалар берди. Лекин биз ма'муриятчилик қилиш ва шаблон тартибда раҳбарлик қилишдан тамомила кутулдик, деб айтсак нотўғри бўлур эди. Ҳали ҳам ҳатто республикадаги ба'зи ходимларнинг «Юқоридан туриб команда беришлари», ҳатто ерни ҳайдаш тўғрисида ҳам, қайси ерга нима ва қачон экиш, қачон ва қандай қилиб суғориш тўғрисида ҳам ҳамма жойга бирхилда кўрсатмалар беришлари сингари фактлар учраб турибди.

СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Қ'митетининг қарори блан қишлоқ хўжалигини планлаштириш практикаси ўзгартирилди. Бу нарса ҳеч шубҳасиз, колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг мавжуд имкониятлар ва резервларни топиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги активлигини кенг равишда авж олдириш учун катта восита бўлди. Броқ, хўжалик ва совет аппаратидаги ба'зи ходимларимиз бу талбирнинг жуда катта халқ хўжалик аҳамияти борлигини эса тушунаолмаётирлар ва канцеляриячилик — бюрократик методлар блан раҳбарлиқ қилишга одатланиб қолганликлари учун колхозларга юқоридан туриб тайёр планлар, топшириқлар берилмаса, ишнинг пачаваси чиқиб қолмасмикин, деб чўчимоқдалар.

Социалистик мусобақани ташкил қилишда формализм айниқса кўп учрамоқда. Кўп ҳолларда йил бошида областлар, районлар, колхозлар, совхозлар ва МТСлар ўртасида, колхозлар ичида эса бригадалар, звенолар, айрим колхозчилар ўртасида расмий равишда социалистик мусобақа шартномалари тузилади, лекин шу шартномаларда олинган мажбуриятларни ўзаро текшириш систематик равишда ўтказилмайди ва ҳарқайси колхозда, совхозда ҳамда МТСда шу мажбуриятларни бажариш ишларини ташкил этиш масалаларига лозим бўлган даражада э'тибор берилмайди. Шу сабабли, кўпинча социалистик мусобақа шартномаларининг кўпи бажарилмасдан қолиб кетади.

Ҳозирги вақтда совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг ташкилий структурасидаги жиддий камчиликлар қишлоқ хўжалигига раҳбарлик даражасини кўтаришга халақит бермоқда. Бу камчиликлар ҳарқайси ходимнинг МТС, колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволи учун бўлган шахсий жавобгарлигини пасайтириб юбормоқда. Бизнинг районларимизда ҳархил ташкилотлар ва муассасалар кўпайиб кетган. Бу ташкилотлар ва муассасаларда жуда кўп мутахассислар ва бошқа ходимлар банд бўлиб қолмоқдалар.

Оржоникидзе районида 68 та ташкилот бор. Бу ташкилотда 548 киши ишлайди, уларнинг йиллик ишҳақи фонди 3 миллион сўмдан ҳам ошиб кетган. Аммо шу районда фақат 11 колхоз ва 3 совхоз бор. Демак, бир хўжаликка район ташкилотларидаги ма'мурий идора ходимларидан 30 киши тўғри келади.

Ўртоқ **Н. С. Хрушчев** — Демак, биз «бир киши ишлайди, етти киши тишлайди» деган нақлдан ҳам ўтиб кетибмиз-да? Бу ерда бир киши ишлаб, ўттиз киши тишлар экан **(залда кулги, қарсаклар)**.

Ўртоқ **Н. А. Муҳиддинов.** — Биз район ташкилотларининг структурасини синчиклаб текшириб чиқишимиз ва ортиқча ташкилотларни тугатишимиз керак. Район лардаги энг яхши ходимларимиз конторларда ва канцелярияларда банд бўлмасдан, балки колхозларда ва совхозларда, ишлабчиқаришда ишлашлари лозим. Биз партия ва давлат аппаратининг ҳамма бўғинлари томонидан қишлоқ хўжалигига ташкилий раҳбарлик қилишни тўбдан яхшилашимиз, ишдаги формализм ва канцелярячилик—бюрократик методларни охиригача битиришимиз зарур. Маҳаллий органларга кўпроқ мустақиллик бериш, колхозчи деҳқонларнинг ижодий ташаббусларини бутун чоралар блан ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда колхозларни, совхозларни ва МТСларни партиявий-сиёсий ва оммавий тушунтириш ишларининг марказига айлантиришимиз керак.

Ҳарбир ходимнинг иши унинг хўжаликка қандай **амалий** раҳбарлик қилаётганлиги, ишни қандай ташкил этаётганлиги моддий бойликлар ишлабчиқаришни кўпайтириш учун курашда колхозларга, совхозларга ва МТСларга қандай ёрдам бераётганлиги блан баҳоланиши лозим.

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақа байроғини «Мамлакатга 1956 йилда камида уч миллион тонна пахта берамиз!» деган шиор остида янада юқори кўтаришимиз лозим. Бизда пахтадан мўл ҳосил олиш учун бошланган мана шу умумхалқ курашида энг актив қатнашмаётган битта ҳам колхозчи, МТС ва совхознинг битта ҳам ишчиси, битта ҳам киши қолмасин.

Пахтакор республикаларнинг социалистик мусобақасини давом этдириб, бугун биз Туркманистон, Тожикистон, Арманистон, Озарбайжон, Киргизистон, Қозоғистоннинг шонли пахтакорларини яна социалистик мусобақага чақирсак тўғри иш қилган бўламиз, чунки республикалар ўртасида традицион бўлиб қолган бу мусобақанинг жуда катта сиёсий ва хўжалик аҳамияти бор. Бу социалистик мусобақада биз 1956 йилда мамлакатга 3 миллион тонна пахта берамиз, шу блан бирга қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини юксалтирамиз, деган мажбуриятни ўз зиммамизга оламиз **(қарсаклар)**.

Ўртоқлар! Бу кенгашнинг якуни тарихасида КПСС Марказий Комитетига ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига қарата ёзилган Мактубни қабул қилмоқчимиз. Бу Мактубда биз қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасидаги мажбуриятларимизни баён қилишимиз лозим.

Кенгаш қатнашчилари номидан ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан Сиз, ўртоқ Хрушчевни ва Сиз ўртоқ Булганинни, партиямиз Марказий Комитети ва жонажон Совет ҳукуматимизни Ўзбекистон партия ташкилоти ва республиканинг барча меҳнаткашлари ўз зиммаларига олаётган мажбуриятларини шараф блан бажармоқ учун бутун куч ва ғайратларини сарф қиладилар деб ишонтириб айтишга рухсат этингиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

ЭРОН ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Эрон парламент делегацияси 23 декабрьда Москвага келди. Делегацияга сенат ташқи ишлар комиссиясининг раиси Муҳаммад Сайид жаноблари бошчилик қилмоқда. Делегация Москвага келиш йўлида Озарбайжон ССР пойтахти Бокуда тўхтади.

Внуково аэродроми Эрон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Делегацияни кутиб олиш учун СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. Т. Лацис, СССР Олий Совети Президиуми секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР министрлари, СССР Олий Советининг депутатлари ва бошқалар келдилар.

Миллатлар Советининг раиси В. Т. Лацис келган меҳмонларга қарата СССР Олий Совети номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин делегация раҳбари М. Сайид жаноблари табрикка жавобан нутқ сўзлади. (ТАСС).

КХДР ОЛИЙ ХАЛҚ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИДА

ПХЕНЬЯН, 23 декабрь. (ТАСС). Кеча Пхеньянда КХДР Олий халқ мажлисининг 10-нчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Сессия ўзининг охирги мажлисларида натурал қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги янги қонунни, аҳолидан олинадиган даромад солиғи ҳақидаги қонунни ва КХДР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорни қабул қилди.

Қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги янги қонун қишлоқ хўжалиги солиғи процентини камайтиришни ва қишлоқ хўжалик солиғининг миқдорини белгилашга дифференциал қарашни кўзда тутади. Даромад солиғи тўғрисидаги қонун аҳолидан олинадиган солиқни тобора камайтиришни, аҳолининг моддий ва маданий савиясини оширишни кўзда тутади. Олий халқ мажлиси президиумининг фармонига мувофиқ, умуман ишчилар ва хизматчилардан олинадиган даромад солиғини 30 процент камайтириш тўғрисидаги қарор амалга оширилиб келмоқда. Бу қарор ҳам даромад солиғи тўғрисидаги янги қонунга киритилди.

Ҳиндистон блан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди

ЛОНДОН, 23 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Деҳлидан берган хабарига қараганда, Ҳиндистон Мўғулистон Халқ Республикаси блан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини э'лон қилган.

Пекиндаги Ҳиндистон элчиси айни вақтда Мўғулистон Халқ Республикасидаги элчилик вазифасини ҳам бажариб турали, Мўғулистон Халқ Республикасининг Пекиндаги элчиси эса Ҳиндистондаги элчилик вазифасини ҳам бажаради.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 23 декабрь. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда Исроил қуролли кучларининг 12 декабрьга ўтар кечаси Тивериада кўли районида Сурия территориясига ҳужум қилганликлари муносабати блан Сурининг Исроил устидан қилган шикоятини муҳокама қилиш давом этди.

Мажлисда Сурия ва Исроил вакиллари сўзладилар. Сурия вакили резолюция проекти тақдим этди. Резолюция проектида, Хавфсизлик Кенгаши Исроил қуролли кучларининг Сурияга ҳужум қилганликлари учун Исроилни қораласин; бу ҳужум Сурияга қарши қилинган агрессия деб қарор қилсин; БМТ а'золарини Исроилга қарши иқтисодий санкциялар қўлланиш юзасидан зарур чоралар кўришга да'ват қилсин; Исроилни БМТдан чиқаришга қарор қилсин, деб таклиф этилади. Резолюция проектида, юқорида айтилган ҳужум натижасида етказилган зарар учун Исроил компенсация тўласин, деб ҳам таклиф этилади.

Сурия таклиф этган ана шундай резолюция проекти муносабати блан Хавфсизлик Кенгаши раиси бу масалани келгуси мажлисда яна муҳокама этишга қарор қилди. Бу мажлис Хавфсизлик Кенгаши раиси Кенгаш а'золари блан маслаҳатлашгандан кейин чақирилади.

ПОЛЬШАДАН ХАТ КЕЛДИ

Ворошилов номли колхознинг а'золари Совет Иттифоқидаги жуда кўп меҳнаткашлардан, ўзлари каби юқори ҳосил етиштирадиган колхозлардан хатлар олиб турадилар. Юраг сўзлари блан тўлган бу хатларда бир олам дўстлик мазмуни ётади.

Улар яқинда яна катта қувончга муяссар бўлдилар. Польшанинг Гожев районидан бу колхоз а'золари номига хат келди. Бунда Польша меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи ҳаётига қизиқишлари акс этиб турипти. Хатни Гожев районли Антон Павлов ёзган.

«Советский Союз» журналининг 1955 йил 9-нчи сонида Ворошилов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ғуломмаҳмуд Абдуллаев блан бирга маккажўхори эккан звенонинг а'зоси Азиза Раҳматованинг катта расми босилган бўлиб, бунда колхозда маккажўхоридан юқори ҳосил олганлиги кўрсатилган эди.

Польшали қардошлар ҳам бу журналдаги расмни кўриб қувонганлар. Антон Павлов ёзган хатида шундай деган:

«СССРдаги ҳурматли дўстларимиз!

Мен Совет кишиларининг ҳаётига қизиқаман ва бу блан фахрланаман. Сизнинг у ерда яхши яшашингиз блан бирга шараф блан меҳнат қилишингиз бизга ҳам ма'лум.

Кўпроқ хўжалик ва айниқса колхоз ҳосилига қизиққаним, маккажўхори ўстиришга бўлган ҳавасим туфайли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сиз ўртоқ Ғуломмаҳмуд Абдуллаевдан биз учун колхозингизда етишган маккажўхори уруғидан юборишингизни сўрар эдим. Бу қимматли экинни биз ҳам бу ерда сиз каби етиштириб мўл ҳосил олсак, дейміз.

Ҳамма колхозчиларга менинг саломимни етказсангиз».

Польшадан келган бу хат, Тошкент область Калинин районидаги дондор Ворошилов номли колхоз а'золарини жуда қувонтирди. Улар хатни қайта-қайта ўқиб чиқдилар. Хатни ўқиш блан бирга ўзларининг 1955 йилда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириб, ҳатто ҳарбир гектардан 50 тоннадан ҳосил олганликлари учун қувондилар.

Польшага, Гожев районидаги Антон Павловга улар қуйидаги хатни ёзиб, маккажўхори уруғидан 9 килограммини самолёт орқали юбордилар.

«Ҳурматли Польшадаги дўстларимиз!

Биз сизнинг ёзган хатингизни олиб ниҳоятда қувондик. Узоқ масофадан яқин дил блан ёзган бу хатингиз бизни хурсанд қилди. Шунинг учун бизнинг қизғин саломимизни Польша меҳнаткашларига етказарсиз деган умиддамиз.

Биз колхозимизда чинакам меҳнат қилиб, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдик. Ҳозир колхозимизнинг ҳарбир а'зоси маккажўхори қанча кўп бўлса, гўшт, сут, ёғ шунча кўп бўлишини яхши билади.

Бир гектар ердаги маккажўхоридан олинган силос 17 гектар пичанзордан олинган силосга тенг келади. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати ажойиб самарадор берди. Звено бошлиғи Турсун Саидов 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 51 тоннадан кўк масса ва сўта олди. Звено бошлиғи Қумри Исмоилова эса 3 гектар ернинг ҳар гектаридан 80 тоннадан ҳосил етиштирди.

Силос, ем-хашак бор. Бу бизга 300 бош қорамол, 180 чўчка, кўпгина парранда, 800 бошдан ортиқ қўй ва бошқа чорва молларини боқиш имкониятини берали. Маккажўхори силоси етарли бўлгани учун сигирлар қишда ҳам кўп миқдорда сут берадилар.

Маккажўхори колхозчиларга ҳам яхши даромад келтирмоқда...»

Польшали дўстларга ёзилган бу хатда колхознинг ҳаёти ҳақида ҳам батафсил ёзилди. Колхозчилар уни Совет Ўзбекистонидан Польшага катта меҳр блан жўнатдилар.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Суратда: Ворошилов номли колхоз раиси ўртоқ **Ғ. Абдуллаев** (ўртада) колхоз а'золарига Польшадан келган хатни ўқиб бермоқда.

Р. Альбеков фотоси.

БИРИНЧИ РУС РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Яқинда Низомий номли Тошкент педагогика институтида биринчи рус революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечага институт студентлари ва ўқитучилар коллективи ҳамда бошқа институтлардан келган студент ва ўқитучилар ҳам иштирок этдилар.

Кечада марксизм-ленинизм асослари кафедрасининг старший ўқитучиси Ўртоқ Веряскиннинг «1905—1907 йиллардаги биринчи рус революцияси» деган темада қилган доклади эўр иштиёқ блан тингланди. Кечага таклиф қилинган меҳмонлардан 92 яшар революционер Ф. Семенов 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган революцияларда актив иштирок этганлиги ҳақида мароқ блан сўзлаб берди. Кеча қатнашчилари кекса революционернинг бир соатдан ошиқ вақт давомида гапириб берган ҳикоясини диққат блан эшитдилар ва унга ўз ҳурматларини билдириб раҳматлар айтдилар.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

СЦЕНАРИЙ УСТИДА ИШЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ЛЕКЦИЯЛАР

Шу кунларда Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйида сценарий устида ишлаш масалалари юзасидан қатор лекциялар ўқилмоқда. Бу лекциялар Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган энг яхши бадиий фильмлар сценарийларига Бутуниттифоқ конкурсининг э'лон қилиниши муносабати блан ўтказилмоқда. Сценарий устида ишлаш масалалари юзасидан ўқилаётган бу лекцияларни 1-нчи тур конкурсни ўтказиш бўйича тузилган республика ташкилий комитети уюштирган. Лекция ўқишга республика кино сан'атининг тажрибали мутахассислари жалб этилган.

Тошкент бадиий ва хроникаль фильмлар студиясининг режиссёри Ўртоқ Файзиев «Режиссёрнинг сценарист блан суҳбати», киностудия сценарий бўлимининг редактори Ўртоқ Хўжаев «Сценарийнинг композицион тузилиш хусусиятлари», «Сценарийда диалог», «Сценарий сюжетининг специфик хусусиятлари» деган темаларда лекция ўқидилар. Кино драматургиянинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ёрдам беручи бу лекциялар кинодраматургия соҳасида ўз кучини синамоқчи бўлган ёш, бошловчи сценаристларга ва мутахассисларга бу мураккаб сан'атнинг хусусиятларини тўла тушиниб олишда катта ёрдам бермоқда.

Лекциядан сўнг лекция қатнашчиларига «Болтиқ депутати», «Улуғ гражданин», «Тракторчилар» ва бошқа кинофильмлар кўрсатилди.

М. ХУДАЙҚУЛОВ.

ЗАВОДДА ОҒЗАКИ ЖУРНАЛ

«Ташкенткабель» заводида оғзаки журнал та'сис этилди. Яқинда бу журналнинг биринчи сони э'лон қилинди. Журнал завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини фан ҳамда техника янгиликлари блан таништиради. Доцент Кришталь машинасозликдаги янги техника тўғрисида ма'лумот берди. Лектор Ўртоқ Берман эшитувчиларни кабель саноати мойиниеценти анализ принципларі блан таништирди. Врач Ўртоқ Дамант эса тамғали атомларнинг медицинада қўлланиши ҳақида гапириб берди.

Журналнинг охири халқаро аҳволга бағишланди. Оғзаки журнал ўқилиб бўлгач, фан ва техникага оид кинофильм намойиш қилинди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/XII да кундуз **Оғриқ тишлар**, кечқурун **Қароқчилар**, 28 ва 30/XII да янги спектакль **Сўнгги пушаймон.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/XII да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Бўрон**, 27/XII да **Фауст.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/XII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 27/XII да **Фарҳод ва Ширин.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 25/XII кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да **Ван Ю-ли** ва **Григорий Новакнинг сўнгги гастрольлари.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — сеанслар олдидан киножурнал **Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Бирмада бўлиши.**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги венгер бадиий фильми **Махсус аломат**, кундуз соат 12 ва 4 да **Садко.**

НАВОИЙ номли — кундуз ва кечқурун **Максим Перепелица.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Махсус аломат**, 3-нчи залда эрталаб соат 10 — 20 ва 12 — 20 минутда **Кўчамизнинг командаси.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Ажралмас дўстлар**, кундуз соат 2 дан **Қаҳр-ғазаб куни.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
26 декабрьдан
Москвадаги адабиёт ва сан'ат декадаси қатнашчилари—
Литва цирк коллективининг
ГАСТРОЛЬЛАРИ
3 бўлимда
катта цирк тамошалари
АТТРАКЦИОН—ИИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР.
Ўргатучи—Литва ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Кличес.**
МАЙМУНЛАР.
Ўргатучи — **В. Моляров.**
Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО СТРАХОВАНИЯ СССР
ГОССТРАХ

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

Страхованиега 16 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар врач кўригидан ўтмасдан қабул қилинадилар.

Страхование шартномалари 1 йилдан 5 йилгача муддатга 1000 сўм ва ундан ошиқ страхование суммасига тузилади.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШНИ ИСТАГАН КИШИ, УЗИНИНГ КАСБИ ВА ҲУНАРИГА ҚАРАБ, СТРАХОВАНИЕ СУММАСИНИНГ ҲАР МИНГ СУМИ ЮЗАСИДАН БИР ЙИЛГА 2 СУМ 50 ТИЙИНДАН 12 СУМГАЧА ВЗНОС ТУЛАЙДИ.

Бахтсиз ҳодисалардан страхование қилинган киши бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қобилиятини доимий равишда йўқотса ёки вафот этса, страхование суммаси қуйидагича тўланади:

Бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қобилиятини неча процент йўқотган бўлса, страхование суммасининг шунча процента тўланади.

Страхование қилинган киши бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этса, страхование суммасининг ҳаммаси страхование қилинган киши томонидан белгиланган шахсларга тўланади.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИНИНГ МУДДАТИНИ КУЗАТИБ БОРИНГИЗ ВА УНИНГ ЎТИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!

Справкалар олиш ва шартномалар тузиш учун Госстрах инспекциясига ёки агентига мурожаат қилингиз.

Ўзбекистон ССР Давлат страхование бошқармаси.

Миллий конгресс парламент фракцияси доимий комитетининг ёпиқ мажлисида Неру нутқи

ДЕҲЛИ, 23 декабрь (ТАСС). «Ҳиндустан таймс» газетасининг хабар беришича, Ҳиндистонда миллий конгресс партияси парламент фракцияси доимий комитетининг кеча ёпиқ мажлиси бўлган. Бу мажлисда бош министр Неру сўзга чиқиб, халқаро аҳвол тўғрисида гапирган ва ўзининг бу нутқида СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганининг ва СССР Олий Совети Президиуми А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга қилган сафарларининг якунларига асосий э'тибор берган.

Хабарда айтилишича, Неру, бу визит натижасида ҳар икки давлат раҳбарлари бир-бирларининг сиёсатларига тўғри баҳо бердилар, деб уқтириб ўтган. Бош министрнинг фикрича, бу вазият беш принцип — панча шиланинг декларация эмас, балки реаллик эканлигини бутун дун'ёга яна бир марта яққол кўрсатган. Бу вазият сиёсий ва иқтисодий системалари турлича бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг кенг миқ'ёсдаги муҳим масалалар юзасидан бир-бирлари блан битимга келишлари мумкинлигини ҳам кўрсатган.

Парламент доираларидан олинган ма'лумотларга қараганда, Неру, совет раҳбарларининг Ҳиндистонга қилган визити яхши натижалар берди, деган фикрни айтган. Айтишларига қараганда, бу фикр парламентда ҳам, мамлакатда ҳам ма'қулланмоқда. Мажлисда шу нарса кўрсатиб ўтилганки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ҳиндистон делегациясининг ўйнаган роли ва шу блан бирга Н. А. Булганин ҳамда Н. С. Хрушчевнинг визити халқаро органларда Ҳиндистоннинг мавқи'ни мустаҳкамлаган ва Ҳиндистоннинг ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлаган. Ҳиндистон блан «камбағал қариндошга» муомала қилган сингари муомала қилиб келган ба'зи ғарб давлатларининг позицияларига жиддий зарба берилган. Ўзи ҳам жуда катта воқиа бўлган визит ҳамда ўртада боғланган шахсий алоқа Ҳиндистон блан Совет Иттифоқини бир-бирига яқинлаштирган.

Ҳиндистон миллий конгресси партиясидан парламентга сайланган отоқли бир депутатнинг айтишича қараганда, Неру Ғарбдаги ба'зи давлат арбобларининг ва Ғарб давлатларидаги та'сири кучли матбуотдан бир қисмининг совет раҳбарларининг визитига танқидий назар блан қараётганлигини жуда яхши билади, лекин бу танқидлар Нерунинг, бу визит Ҳиндистон учун ҳамда бутун дун'ёда тинчлик иши учун ҳайрли натижалар берди, деган фикрини ўзгартирмайди.

Кашмир ва Гоа масалалари тўғрисида совет раҳбарларининг айтган гаплари ҳақида ҳам гапириб, Неру бу гаплардан ўзининг мамнун бўлганлигини ва бу гаплар матлуб гаплар эканлигини айтган.

Хабарларда айтилишича қараганда, Неру Европа проблемаларига, жумладан Германия масаласига тўхталиб, Совет Иттифоқи қайта қуроллантирилган Германиянинг НАТОга, ёки шу хилдаги иттифоққа а'зо қилиб олинишига имкон бераётган тарзда Германияни бирлаштириш планига розилиқ билдиради, деб кутиб бўлмайди, деган. Неру айтганки, Австрия давлат шартномаси, Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасида тузилган битим, Югославия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланганлиги, Аденауэрнинг Москвага борганлиги ва сўнгра немис ҳарбий жиноятчиларини озод қилиш тўғрисида битимга келинганлиги совет раҳбарларида халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш истаги борлигини кўрсатучи белгилар деб ҳисобланиши мумкин.

Нерунинг фикрича, ядро қуролини тақиқлаш ва унинг устидан контроль ўрнатиш ҳамда оддий қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида битимга келиш Германияни бирлаштиришни тезлаштираоладиган вазиятни вужудга келтирган бўлур эди.

Неру Бағдод пакти тўғрисида гапириб, бу пакт ўрта Шарқни «совуқ муносабатлар уруши»га жалб қилди ва араб мамлакатларининг бирлигига путур етказди, деб айтган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 69907. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1679.